

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Андижон давлат университети

Ўзбекистон тарихи кафедраси

Қўлёзма ҳуқуқида

РАХМОНОВА ШОХСОРАБОНУ РАВШАН ҚИЗИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА САЙЛОВ ТИЗИМИНИНГ
РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ
(2005-2014 йй.)**

5A120301- Ўзбекистон тарихи мутахассислиги ихтисослиги
бўйича магистрлик даражасини олиш учун ёзилган
ДИССЕРТАЦИЯСИ

АНДИЖОН – 2016

МУНДАРИЖА

I - БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИДА ДЕМОКРАТИК САЙЛОВ ТИЗИМИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

1.1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов асарлари ва маърузаларида сайлов масалалари.

1.2. Ўзбекистонда Республикасида демократик принциплар асосидаги сайлов тизимининг ривожланиш босқичлари.

II - БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ МЕЪЁРЛАР АСОСИДАГИ САЙЛОВ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНИШИ

2.1. Сайлов тизимини миллий тажриба ва халқаро меъёрлар талаблари асосида шаклланиши ва ривожланиши

2.2. Ўзбекистон давлати сайлов тизимини ривожланган мамлакатлар билан қиёсий тавсифи.

III - БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА САЙЛОВ ТИЗИМИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

3.1. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатга хос бўлган демократик сайлов тизимини барпо этилиши.

3.2. Сайлов тизими ривожда Ўзбекистон экологик ҳаракатининг муҳим субъектга айланиши ва унинг концептуал истиқболлари.

ХУЛОСА

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуришнинг асосий стратегик мақсад сифатида эълон қилиниши натижасида давлат ҳокимияти органларини демократик сайловлар асосида шакллантириш миллий давлатчиликни ривожлантиришнинг таркибий қисмларидан бирига айланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов сайловларни баҳолар экан, қуйидаги фикрларни билдиради: **“Демократия ва сайлов тушунчалари доимо ёнма-ён юради, улар ўзаро бирлашиб кетган. Сайлов - демократия дегани. Демократия - бу сайлов дегани. ...Айнан сайлов пайтида партиялар ўзининг асосий ва устувор фикр-қарашларини, ҳаётни қандай яхшилаш, ислохотларни қандай амалга ошириш, Ўзбекистон деб аталмиш мустақил давлатнинг эртанги ҳаётини қандай барпо этиш борасидаги ғояларини илгари суради”**¹.

Ўзбекистонда ҳақиқий демократик сайловлар қонунчилиги ва амалиёти фақат истиқлол йилларига келиб шаклланди. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига сайловларнинг кўппартиявийлик асосида амалга ошириш амалиётини ўрнатилиши натижасида давлат ҳокимияти органларини жамиятдаги ижтимоий қатламлар ва оддий фуқаролар иродаси асосида шаклланиши русумга кирди. Шунингдек, мамлакатдаги сайловлар мамлакат аҳолисининг ижтимоий-сиёсий кайфияти ва ўзи давлат ҳокимиятида фаол иштирок этиши деб билган номзод учун овоз бериш эркинлигини намоён этувчи демократик мезонга айланди.

Президент И.А.Каримов 2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”га бағишланган маърузасида сайловлар ҳақида фикр билдириб: **“Сайловлар – бу мамлакатимизда амалда бўлган**

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон демократик тараққиётнинг янги босқичида.-Т.: Ўзбекистон, 2005.-Б.13.

ҳуқукий нормаларнинг нечоғлик демократик руҳда эканини намоён этадиган, демократик ҳуқукий давлатнинг узвий белгиси, халқнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этишнинг, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокининг асосий шакли бўлиб, ўта муҳим ва халқ қилувчи аҳамиятга эга масаладир”¹, деб таъкидлар экан, бу билан сайловларнинг давлат бошқаруви ва жамиятдаги муҳим ўрнини кўрсатиб берди.

Мамлакатда мустақиллик йилларида демократик тамойиллар асосида сайловларни ўтказиш тажрибаси тўпланди. Сайловларни ўтказишда сиёсий партияларга катта ваколатлар берилди. Шунингдек, мамлакатда профессионал парламентда фаолият юритишга қобил бўлган депутатлар авлоди шаклланди. Қонун чиқарувчи ва вакиллик органлари фаолиятини халқ манфаатлари асосида йўлга қўйишга доир ислохотлар чуқурлашиб бормоқда. Муҳими, фуқаролик жамияти институтларининг ривожланиб бориши билан сайловлар тизимини такомиллаштиришга бўлган талаблар янада кучайиб бормоқда. Сайловлар мамлакатда давлат ҳокимиятини шакллантиришнинг ҳақиқий институтига айланди. Шу сабабли ҳам демократик сайловлар тизимини тадқиқ этиш, уни такомиллаштиришга доир назарий изланишлар олиб бориш долзарб вазифалардан бирига айланди.

Умуман олганда, мавзунинг долзарблиги қуйидагилар билан ифодаланади:

-мамлакатда ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг “Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти сари” тамойили асосида сайловлар тизимини такомиллаштиришга ва унинг назарий жиҳатларини бойитишга зарурият сезилмоқда;

-мамлакатда демократик қадриятлар томир отиб бориши билан ҳамоҳанг равишда сайловларни ташкил этиш, сайлов кампанияларида фуқароларни кенг ва фаол иштирокини таъминлаш вазифаси пайдо бўлди. Шундан келиб чиқиб, ривожланган мамлакатларнинг сайловлар тизимини ўрганиш, хорижий тажрибалар

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. -Тошкент: Ўзбекистон, 2010, 35-б.

билан миллий амалиётни қиёсий тадқиқ этиш асносида сайловлар ўтказиш технологияларини илмий жиҳатдан шакллантиришга эҳтиёжлар пайдо бўлди;

-мамлакатни модернизациялаш жараёнида сайловларнинг ўрнини очиб бериш, сайлов тизимини янада такомиллаштиришни асослаб бериш долзарб вазифалар сирасидан ўрин олди.

Ана шу ҳолатлардан, шунингдек, ишнинг долзарблигидан келиб чиқиб биз “Ўзбекистонда сайловлар тўғрисидаги қонунчиликни янада демократлаштириш жараёнлари”га доир масалаларни тадқиқ этишни магистрлик диссертацияси мавзуси сифатида танладик.

Магистрлик диссертациясининг илмий – назарий асосини Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг асарлари ташкил этади¹. Чунки республиканинг мустақиллиги шароитида давлатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий тараққиётига асос бўладиган муаммолар илк маротаба ана шу асарларда назарий жиҳатдан ишлаб чиқилган ва ҳаётга татбиқ қилиниб келинмоқда.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Фақат мустақиллик даврига келиб Ўзбекистонда демократик сайловларга доир назарий қарашларда ва илмий изланишларда сайловларни фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг энг асосий институти сифатида талқин этила бошланди. Мамлакатда мустақиллик йилларида ҳуқуқшунос, сиёсатшунос, иқтисодчи ва социолог олимлар томонидан олиб борилган фуқаролик жамиятининг у ёки бу жиҳатлари, унинг институтларига доир илмий-тадқиқот ишларида сайловлар тизимини тадқиқ этишга аҳамият берила

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. Т.: Ўзбекистон. 2008 йил. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз- жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т.: “Ўзбекистон”. 2005. Каримов И.А. Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Тошкент. Ўзбекистон. 2009. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. Тошкент. Ўзбекистон. 2009. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш - устувор мақсадимиздир. Тошкент. Ўзбекистон. 2010, (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза). 2010 йил 27 январь. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. (2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза). 2010 йил 29 январь. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. «Ўзбекистон», 2011. Каримов И.А. Она юртимиз бахту-икболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. Тошкент; Ўзбекистон, 2015

бошланди. Жумладан, мустақиллик йилларида А.Х.Саидов¹, Ғ. Мирзаев², В.Худойбердиева, С.Ғанихўжаев³, Н.Нурматов⁴, М.Файзиев⁵, О.Хусанов⁶ Р.Шамсутдинов⁷ларнинг рисолалари ва мақолалари, шунингдек бир гуруҳ муаллифларнинг тўплами⁸ нашр этилди. Лекин, уларнинг аксарияти ҳуқуқий фанлар нуқтаи назаридан тадқиқ этилганлиги, шунингдек уларнинг баъзилари сайлов кампанияси учун оммабоп нашр характерини касб этганлиги учун ҳам уларда сайловларга доир назарий масалалар тарихий нуқтаи-назаридан тадқиқ этилмаган. Шунинг учун ҳам биз мамлакатдаги сайловлар тўғрисидаги қонунчиликни янада демократлаштириш жараёнларини тарихий нуқтаи-назаридан ўрганишга жазм қилдик.

Умуман олганда, мамлакатда махсус сайловлар қонунчилигини такомиллаштириш тарихига доир тадқиқотлар олиб борилмаган, шунингдек биз танлаган мавзуда магистрлик диссертациялари ҳам ҳимоя қилинмаган.

Тадқиқотнинг объектини Ўзбекистонда сайловлар тизимини модернизация этишга доир тадқиқотлар, тараққий этган мамлакатларда сайловлар тизимини ривожлантириш тажрибаси ва унинг тарихи ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметини эса Ўзбекистондаги демократик сайловлар жараёни, сайлов тизимини такомиллаштириш ислохотлари жараёнлари тарихийлик тамойили асосида ўрганиш ташкил этади.

¹ Саидов А.Х. Избирательное право в Республике Узбекистан. Вопросы реформы законодательство и зарубежный опыт.-Т.:Ўзбекистан, 1993.

² Мирзо Ғ. Сайловлар ва оммавий ахборот воситалари.-Т.:ТДЮИ, 2004; Маҳалла: сайловлар - демократия мактаби //Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари, № 1, 2004.-Б.23-25.

³ Худойбердиева В., Ғанихўжаев С. Ўзбекистон Республикасида сайловларнинг демократик асослари.- Т.:ТошМУ, 2004.

⁴ Нурматов Н. Парламент сайловининг очиклиги ва ошқоралиги. //Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ахборотномаси. №1-2 (11-1), 2005.-Б.38-41.

⁵ Файзиев М. Сайлов тизими. //Ўзбекистон Республикаси: Энциклопедия.-Т.: Ўзбекистон, 1997.-Б.196-199.

⁶ Хусанов О. Сайловларни янада демократлаштириш //Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда.- Тошкент:Ўзбекистон, 2000.-Б.155-156.

⁷ Шамсутдинов Р.Т. Мўминов Х. Ўзбекистон тарихи. Тошкент: Шарқ, НМАК, 2013. Б. 672

⁸ Сайлов жараёнида халқаро тажриба ва стандартлар. Давра суҳбати материаллари. 1998 й. 15-16 окт. /Масъул муҳаррир А.Х.Саидов.-Т.:Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий Маркази,1999.

Тадқиқотнинг мақсади. Ишда Ўзбекистонда демократик сайловлар тизимини ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш тарихийлик нуқтаи-назаридан тадқиқ этиш мақсади қўйилган. Тадқиқотнинг мақсадидан келиб чиқиб, унинг қуйидаги вазифалари қўйилди:

- сайлов тизими ва сайловларнинг илмий-назарий жиҳатларини тадқиқ этиш;
- сайловлар тизими ва унга доир тушунчаларни асослаш;
- Ўзбекистонда демократик принциплар асосида сайлов тизимини шаклланиш жараёнини жараёнини тадқиқ этиш;
- Ўзбекистонда Мамлакат Президентлигига ва Олий Мажлисга сайловлар тизимини ҳуқуқий асосларини демократлаштириш жараёнини ўрганиш;
- Ўзбекистонда маҳаллий вакиллик органларига сайловлар қонунчилигини такомиллаштириш ислохотлари тадқиқ этиш;
- Ўзбекистонда сайловлар тизимини ҳуқуқий асосларини демократлаштиришга доир таклифлар ва тавсияларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг назарий ва услубий асослари. Ишнинг услубий асосини Президент И.А.Каримов асарлари ва “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” ташкил этди.

Шунингдек, диссертацияни ёзиш жараёнида тадқиқот предметининг назарий асосларини хориж ва мамлакатимиз олимларининг сайловларга доир қонунчиликни такомиллаштириш муаммоларига бағишланган илмий тадқиқотлари ташкил этди, шунингдек, тадқиқот жараёнида қиёсийлик, тизимлилик, мақсадли тизимлилик, гуруҳлаштириш, деталлаштириш, умумлаштириш каби усуллардан ҳам фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Диссертацияда Ўзбекистонда демократик сайловлар тизими тарихи ва уни модернизациялаш жараёнларини илк бор магистрлик диссертация сифатида тадқиқ этилиши ишнинг янгилигини ифодалайди. Ишда сайловлар воситасида давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда сиёсий партияларнинг роли асосланади, сиёсий партияларнинг сайловларни ўтказувчи субъектлар сифатидаги функционал жиҳатлари илк бор

таҳлил этилмоқда. Диссертацияда қўйилган мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб амалга оширилган илмий тадқиқотлар жараёнларида асосан қуйидаги илмий янгиликлар олишга эришилади:

-демократик сайловлар натижасидагина ҳақиқий халқчил давлат ҳокимияти органларини шакллантириш мумкин эканлиги;

-сайловлар тизимини модернизация этишга доир ҳали мамлакат воқелигида учрамаган тажрибаларни умумлаштириш ва уларни ислохотлар жараёнларига тавсия этиш;

-мамлакатда сайловларга доир қонунчиликни демократик принциплар асосида шаклланиши ва такомиллашиши жараёнларини тадқиқ этиш;

-Ўзбекистонда сиёсий партиялар иштирокидаги сайловлар ўтказиш амалиёти ва назарий жиҳатлари халқаро тажрибалар билан қиёсий ҳолда таҳлил этилди;

-мамлакатдаги сайловлар тизимни модернизациялаш жараёнидаги муаммолар аниқланди ва уларнинг ечимларига доир таклиф ҳамда тавсиялар шакллантирилди.

Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотдаги хулосалар, таҳлиллар ва халқаро тажрибаларни қиёсий ўрганишлар мамлакатда сайловларга доир қонунчиликни демократлаштириш назариясини бойитишга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг хронологик доираси. Ишнинг хронологик доирасини мустақиллик даврида сайлов тизимини шаклланиши ва уни демократлашуви даври – 1991-2014 йиллардан иборат бўлиб, олинган илмий натижалар сифатида хулосалар шакллантирилади, бу соҳада амалга оширилган ислохотлар тадқиқ этилади.

Диссертация ишининг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I - БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИДА ДЕМОКРАТИК САЙЛОВ ТИЗИМИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

1.1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов асарлари ва маърузаларида сайлов масалалари

Ўзбекистон халқи демократик тараққиёти ҳуқуқий давлат қуриш орқали фуқаролик жамиятини қуришни кўзлайди. Бу хусусда Ўзбекистон Республикаси Президенти шундай деган эди: “Биз учун фуқаролик жамияти – ижтимоий макон. Бу маконда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини қамол топтиришга монелик қилмайди, аксинча, ёрдам беради. Шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўла даражада рўёбга чиқишига кўмаклашади. Айни вақтда, бошқа одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари қамситилишига йўл қўйилмайди. Яъни эркинлик ва қонунга бўйсуниб бир вақтнинг ўзида амал қилади”¹. Бунинг учун, энг аввало, кишиларнинг сиёсий фаоллигини юксак даражага кўтаришга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади. Фуқароларнинг сиёсий-ижтимоий жиҳатдан етуклиги уларнинг давлат ҳаётида фаол иштирок этиши билан белгиланиши шубҳасиз.

Ўзбекистонда демократик-ҳуқуқий давлатнинг конституциявий моделини ишлаб чиқишга, уни шакллантириш ва амал қилишига олиб келди. Унинг муҳим принципларидан бири шундаки, унда сиёсий арбоблар давлат ва жамиятни бошқариш учун бериладиган ваколатларни умумий миллий миқёсда ўтказиладиган муқобил сайловлар орқали қўлга киритади. Бунда сайловлар жамиятнинг энг сара, лаёқатли ва кўзга кўринган вакиллари сиёсий ҳокимият тепасига келишига хизмат қиладиган самарали восита вазифасини бажаради. Шу боис ҳам сайловлар инсонларнинг шахсий ва фуқаролик ҳуқуқлари ва эркинларига ҳурмат билан қарашга асосланган жамиятни ташкил этилишини таъминлайди. Сайловларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни ва роли хусусида Юртбошимиз И.А.Каримов қуйидаги фикрларни билдирган: “... ҳаётимизда демократик тамойиллар чуқур илдиз отишини истар эканмиз,

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: Ўзбекистон. 1997. – Б. 173.

демократиянинг бош тамойили бўлмиш эркин сайловлар масаласига алоҳида эътибор қаратишимиз лозим¹". Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг "“илк бор икки палатали парламентга бўлиб ўтган сайловлар Ўзбекистоннинг янги тарихида алоҳида, ғоят муҳим ўрин эгаллади”². Зеро демократиянинг энг таъсирчан механизми ҳам сайловлардир”³ - деган фикрлари халқ иродасини ифлда этишининг муҳим механизми эканлигини кўрсатган.

“Эркин сайлов ва ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш принциплари, биринчи навбатда ҳар бир шахснинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш бўйича конституциявий ҳуқуқи миллий давлатчилигимиз моделининг асосини ташкил этади. Сайловлар - халқнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этишининг, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокининг асосий шакли бўлиб, ўта муҳим ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга масаладир.

Шу муносабат билан ўтган давр мобайнида юртимизда самарали, демократик сайлов тизимини шакллантириш ва ривожлантириш соҳасида ғоят чуқур ўзгаришлар амалга оширилганини таъкидлаш ўринлидир.

Маълумки, Конституциямизга, шунингдек, "Сайловчилар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида" ги ҳамда янги таҳрирдаги "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида", "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида", "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонунларга 2003 ва 2008 йилларда тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Шу билан бирга, ушбу даврда мазкур соҳага оид кўплаб қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Буларнинг барчаси миллий сайлов тизимининг изчил ва босқичма-босқич либераллашувини, икки палатали парламент сайловларининг қонун талаблари ва умумэтироф этилган халқаро принцип ва

¹ Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. –Т.: Ўзбекистон, Б. 310

² Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т.: «Ўзбекистон», 2005. – Б.30.

³ И.А.Каримов Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь/ Тошкент: Ўзбекистон, 2011. 35-б.

нормаларга тўла мос ҳолда ўтказилишини таъминлайдиган мукаммал қонунчилик базасининг шаклланишига олиб келди¹.

Ушбу қонунларда давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловларнинг фақат кўппартиявийлик асосида ўтказилиши қатъий белгилаб қўйилди. Мамлакат Президенти лавозимига, қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни сиёсий партиялар томонидан, маҳаллий Кенгашлар депутатлигига номзодларни эса - сиёсий партияларнинг жойлардаги тегишли органлари томонидан кўрсатилиши тўғрисидаги принципиал қоида мустаҳкамланди. Депутатликка номзодларнинг давлат ҳокимияти ижро органлари томонидан кўрсатилиш амалиёти бекор қилинди ва бу мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларни чуқурлаштириш йўлидаги принципиал қадам бўлди.

Шу борада сайлов қонунчилигимизга сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ бўлган, энг ривожланган демократик давлатлар тажрибасида ҳам камдан-кам учрайдиган мутлақ ваколатларнинг Марказий сайлов комиссиясига берилишини кўзда тутадиган ўзгартиришларнинг киритилиши ўта муҳим аҳамиятга молик улкан воқеа бўлди. Амалдаги қонунчилигимизга кўра, сайлов кампанияси жараёнига давлат ва ҳокимият тузилмалари, жамоат бирлашмалари томонидан аралашшишга қаратилган ҳар қандай уриниш қонун билан тақиқланиши ҳам буни яққол кўрсатиб турибди.

2009 йилги сайлов арафасида Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича Концепция ишлаб чиқилди. Мазкур Концепция хорижий экспертлар томонидан фуқароларнинг сайлов ва ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш борасидаги конституциявий ҳуқуқларига риоя этилиши бўйича ноёб ҳужжат сифатида баҳоланган эди. Ҳақиқатан ҳам, ушбу Концепциянинг амалга

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза) Т. Ўзбекистон, 2010. – Б. 17.

оширилиши сайловнинг қонун талабларига тўла мувофиқ ҳолда, сиёсий партияларнинг ўта фаол иштирокида, сайлов жараёнига марказий ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг аралашувига йўл қўймасдан ўтказилишини таъминлашда ғоят муҳим рол ўйнади.

Бизнинг қонунчилигимизда сайлов кампаниясининг бирон-бир иштирокчиси учун қандайдир алоҳида имтиёз ва преференциялар берилмаслиги белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қоидаларига мувофиқ, Президент сайлови, парламент ва давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов ҳозирги вақтда қонун билан белгиланган ягона кунда - уларнинг конституциявий ваколатлари муддати тугайдиган йилнинг декабр ойи учинчи ўн кунлигидаги биринчи якшанба куни ўтказилади.

Айтиш керакки, бизнинг сайлов тизимимиз ривожда 2008 йили сайлов қонунчилигимизга киритилган ўзгартиришлар муҳим босқич бўлди. Қонунчилик палатасидаги депутатлик ўринларининг сони 120 тадан 150 тага қўпайтирилди, шундан 135 нафар депутат сиёсий партиялардан сайланади. Бугунги кунда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари ниҳоятда муҳим ва долзарб аҳамият касб этиб бораётганидан келиб чиққан ҳолда, қуйи палатамиздаги 15 та депутатлик ўрни Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатларга берилди.

Бундан ташқари, қонун ҳужжатларига сайлов жараёнининг янада либераллашувини таъминлайдиган бир қатор нормалар киритилди. Жумладан, сайловда иштирок этадиган сиёсий партияларнинг рўйхатдан ўтиши учун ўрнатилган муддат 6 ойдан 4 ойга туширилди¹.

“Бугунги кунда мамлакатимизни, аввало, иқтисодиётимизни ислоҳ этиш, эркинлаштириш ва модернизация қилиш, унинг таркибий тузилишини диверсификация қилиш борасида амалга оширилаётган, ҳар томонлама асосли

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза) Т. Ўзбекистон, 2010. –Б. 18.

² Каримов И.А. Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Тошкент. Ўзбекистон. 2009. –Б. 19.

ва чуқур ўйланган сиёсат бизни инқирозлар ва бошқа таҳдидларнинг салбий таъсиридан ҳимоя қиладиган кучли тўсиқ, айтиш мумкинки, мустаҳкам ва ишончли ҳимоя воситасини яратди²”

“Бугунги кунда кўплаб ривожланган ва жаҳон иқтисодиётида етакчи ўрин тутадиган мамлакатлар тажрибаси шуни сўзсиз исботлаб бермоқдаки, рақобатдошликка эришиш ва дунё бозорларига чиқиш, биринчи навбатда иқтисодиётни изчил ислоҳ этиш, таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, юқори технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш тармоқларининг жадал ривожланишини таъминлаш, фаолият кўрсатаётган қувватларни модернизация қилиш ва техник янгилаш жараёнларини тезлаштириш ҳисобидан амалга оширилиши мумкин”³.

Ўзбекистон Республикасида демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш борасида амалга оширилаётган ислохотлар-инсон манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда улар турмуш фаровонлигини юксалтиришга қаратилган. Ҳозирги даврда ривожланган демократик давлатлар Конституциявий-ҳуқуқий тараққиётининг асосий йўналиш ва тамойиллари негизида инсон манфаатлари ва халқ иродасини таъминлаш вазифаси мавжуд экан, ушбу вазифани амалга ошириш учун ҳар томонлама шароитлар яратиш давлат ҳокимияти органларига ва унинг мансабдор шахсларига катта масъулият юклайди. Айниқса, инсон ҳуқуқларига оид асосий қоидаларни Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаш, уларнинг амалда ижросини таъминлаш қанчалик қийин кечмасин, давлат ҳокимияти бу масаланинг самарали ечимини топишга шунчалик кўп интилиб бориши табиий ва зарурдир. Ана шу маънода инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тизимида сиёсий ҳуқуқлар тоифаси, хусусан, фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқларининг бир кўриниши саналган

³ Каримов И.А. “2012-йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2011-йилнинг асосий якунлари ва 2012-йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. 2012 йил 19 январь.

фуқаролар сайлов ҳуқуқларини самарали таъминлаш ва кафолатлаш жуда муҳим масалалардан ҳисобланади.

Мамлакатимиз Конституциясининг 13-моддасига биноан Ўзбекистонда қонунчилик демократик, умуминсоний принципларга асосланиб, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари, олий қадрият ҳисобланади, демократик ҳуқуқ ва эркинликлар, Конституция ва қонун билан ҳимоя қилинади. Ушбу модда ўзининг ёрқин ва қомил ифодаси билан, инсон мақомини ва унинг асосий ҳуқуқларини энг юксак ва олий даражага кўтаради.

Ўзбекистон Конституциясининг яна бир муҳим томонларидан бири шундан иборатки, бу соҳада фақатгина умумий принципларни зикр этиб ўтиш билан четланиб қолмай, инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини бир қатор бобларда кенг кўламда акс эттириб, уларнинг ҳимояси учун кафолат берилади.

Бу борада Президентимиз таъкидлаган ушбу сўзлари-... “модомики биз демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш каби эзгу мақсад сари интилаётган эканмиз, демократиянинг бош талаби бўлмиш эркин сайловларни муносиб ташкил қилиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир”¹- катта аҳамиятга эгадир.

Маълумки, сайлов ҳуқуқи бутун дунёда умумэътироф этилган энг муҳим ва Конституциявий сиёсий ҳуқуқлардан бири бўлиб, у фуқароларга нафақат вакиллик органларини ташкил этиш, балки бундай органларга ўз вакилларини юбориш имкониятини ҳам беради. Фуқаролар томонидан уларнинг сайлов ҳуқуқларининг ҳеч тўсиқсиз амалга оширилиши уларнинг давлат бошқарувида иштирокининг энг муҳим шаклларида бири ҳисобланади.

Ёрқин сайлов ҳуқуқининг амалга оширилиши, эркин ҳамда чинакамига ифода этиладиган халқ иродаси ҳокимият ва ҳар қандай ҳукумат

¹ Қаранг: Каримов И.А. Ватан озодлиги – олий саодат. Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XV сессиясидаги маърузаси. 1998 йил 19 август. // Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8. – Т.: Ўзбекистон, 2000, -Б. 528.

конунийлигининг асоси эканлиги ва ҳар бир шахснинг ўз давлатини бошқаришда бевосита ёки ўз вакиллари орқали қатнашиш ҳуқуқи кўпгина халқаро ҳужжатларда алоҳида таъкидланган. Фуқароларнинг бевосита сайлов жараёнида, ўзлари эркин сайлайдиган вакиллари орқали мамлакатни бошқаришда қатнашиш ҳуқуқининг амалга оширилиши учун яратилган имкониятга қараб, у ёки бу давлат қай даражада демократик тамойиллар асосида яшаётганлигига баҳо бериш мумкин.

Демократиянинг ушбу энг муҳим тамойилини ҳаётга татбиқ этиш, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқини, ўз хоҳиш-иродасини эркин ифодалаш, ўз конуний манфаатларини рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш ҳуқуқини таъминлаш учун ҳақиқий шарт-шароит, ҳуқуқий асос яратиб берилиши лозим. Ўзбекистонда буларнинг барчаси яратилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги, “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларида сайловларга доир умумэътироф этилган демократик халқаро тамойил ва қоидалар мустаҳкамлаб қўйилган.

Умумхалқ сайловлари орқали давлат ҳокимият вакиллик органларини шакллантириш демократик ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим белгисидир. Демократик давлатларда сайловлар муҳим аҳамиятга эга эканлиги шундаки, улар мамлакат парламенти қандай сиёсий кучлардан ташкил топишини аниқлаб беради. Сайловлар мамлакат аҳолисининг кайфияти ва кимни афзал билишини намоён этувчи кўрсаткич сифатида ҳам катта аҳамият касб этади.

Фуқароларнинг ўз сайлов ҳуқуқларини ҳеч тўсқинликсиз амалга оширишлари уларнинг давлат бошқарувидаги иштирокининг энг муҳим кафолатларидан бири сифатида қараган Юртбошимиз И.А.Каримовнинг “Сайловлар жараёнида ҳар қайси давлат, ҳар қайси жамиятда хилма-хил

фикрлар, одамларнинг хоҳиш-иродаси, орзу-умидлари, ижтимоий кайфиятлар, айниқса, яққол намоён бўлади. Шу билан бирга, ҳар қандай сиёсий ҳаракатлар ва кучлар сайловга тайёргарлик кўриши, ўз платформаларини аниқ белгилаб олиши – буларнинг барчаси табиий ҳол. Бусиз ўзи ҳаёт, тараққиёт бўлмайди”¹- деб таъкидлар экан Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилиги тизими жаҳон ҳамжамиятининг қўлга киритган энг илғор ғоя ва қоидаларини ўзига сингдирган ҳолда ривожланиб келаётганининг назарий асоси нимада эканини белгилаб берган.

Демократик сайловлар – ҳокимият масаласининг куч билан ҳал этилишини тамоман инкор этади. Бу борада Президентимиз И.А.Каримов: “Демократия шароитларида эса давлат ижтимоий қарама-ҳаршиликларни зўрлик ва бостириш йўли билан эмас, балки ижтимоий келишув, халқ таъбири билан айтганда, муросаи-мадора билан бартараф этиш воситасига айланади,”² - деб таъкидлайдилар.

Эркин демократик сайловлар тоталитар давлатлар учун мутлоқ бегонадир. Бундай тузумдаги давлатларда сайловлар ҳар-хил номзодлар орасидан сайлашга имкон бермасдан, балки улар ҳукумат назорати остида ўтказилар эди, бу сайловларнинг яқунлари, кўпинча, сохталаштирилади. Шўролар даврида партия томонидан ўзига энг фидоий шахслар саралаб олиниб, депутатликка номзодлари кўрсатилиб, мазкур номзодларнинг 98-99 фоиз овоз олишлари таъминланар эди. Бу ҳолатни давлат ҳокимиятининг вакиллик органларида ижтимоий қатламларнинг барча гуруҳлари ўз аксини топган деб уқтириб келганлар.

Мазкур муаммога тўхталиб, Президентимиз И.А.Каримов қуйидаги фикрни билдиради: “Олий Мажлисга ва, шунингдек, маҳаллий ҳокимиятлар вакиллик органларига кейинги сайловларни ташкил қилишнинг дастлабки давлариданоқ синфий ёндашув нодемократик тамойил сифатида рад этилган эди. Маълумки, олдинги пайтларда Олий Кенгашни шакллантириш жараёнида

¹ Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. –Т.: Ўзбекистон. 1999. -Б. 310.

² Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б. 20.

ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, халқ зиёлиларининг ўрни ва сони олдиндан белгилаб қўйилар эди. Олий Мажлис депутатлари турли партия ва ҳаракатларнинг вакилларида иборат номзодлар орасидан муқобиллик асосида сайланди. Республикамиз фуқаролари сайловларда қатнашар экан, энг аввало, қўйилган номзодларнинг ижтимоий келиб чиқишига эмас, аксинча, уларнинг ишчанлик ва ахлоқий сифатларига, энг муҳими, дастурларининг мазмун-моҳиятига катта эътибор бердилар”¹.

Ўз навбатида, сайловлар бевосита жамиятнинг сиёсий тизимини акс эттиради ва ўз томонидан унга таъсир кўрсатади. Уларнинг ташкил этилиши ва овоз беришнинг якунларини аниқлаш тартибига тегишли барча жараёнлар сиёсий партиялар билан яқиндан боғлиқдир. Республикамиз Президенти таъкидлаганидек; “айнан сайлов пайтида партиялар ўзининг асосий ва устувор фикр-қарашларини, ҳаётни қандай яхшилаш, ислохотларни қандай амалга ошириш, Ўзбекистон деб аталмиш мустақил давлатнинг эртанги ҳаётини қандай барпо этиш борасидаги ғояларини илгари суради”².

Дарҳақиқат, сайловлар фуқароларга ҳокимият учун курашаётган сиёсий партияларнинг дастурларини ҳақиқий мазмун-моҳиятини англашга имконият беради. Фақатгина сайловлар орқали халқнинг кўпчилигининг иродаси аниқланади, унинг асосида эса демократик ҳокимият яратилади.

¹ Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. – Т.: Ўзбекистон, 1993. – Б. 13.

² Каримов И.А. Парламент – жамият ҳаётининг кўзгуси // Ўзбекистон демократик тараққиётнинг янги босқичида. Тўплам. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. – Б. 13.

1.2. Демократик принциплар асосидаги сайлов тизимининг ривожланиш босқичлари.

1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши миллий сайлов тизимимизни яратилишига асос солди. Жумладан, унинг 7-моддасида “Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир”, “Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади” дейилган муҳим Конституциявий қоидаларнинг белгиланиши Конституциявий тузумнинг асосий принциплари сифатида мустаҳкамланди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сайлов ҳуқуқи Конституциянинг 32-моддасида алоҳида мустаҳкамланган. Унга кўра “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини-ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади”. Сайлов ҳуқуқига оид яна бир – 60-моддасида: “Сиёсий партиялар турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайдилар ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этадилар”, – деб белгиланган. Шунингдек, Конституциянинг 77-моддасида Ўзбекистонда сайловлар кўппартиялик асосида ўтиши кўзда тутилган¹.

Энг асосийси, Конституцияда сайлов тизими принципларига бағишланган махсус бобнинг мавжудлиги Ўзбекистоннинг сайлов қонунчилигини шакллантиришда муҳим қадам бўлди. Унинг XXIII боби “Сайлов тизими” деб номланиб, 117-моддада “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2012. –Б. 40.

хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади” дейилган муҳим Конституциявий таомойиллар ўз аксини топди.

Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришда сайловларнинг мустақкам ўрнини белгилаш мақсадида Конституцияга алоҳида “Сайлов тизими” деб номланувчи XXIII бобни киритилиши, *бир томондан*, сайлов тизимининг асосий принципларининг Конституциявий мустақкамланиши сайлов ҳуқуқи бўйича умумий тан олинган халқаро андозаларга риоя қилинишини кафолатласа, иккинчи томондан, мазкур Конституциявий қоидалар сайлов қонунчилигини яратишда пойдевор вазифасини ўтади.

Сайлов тизими ҳуқуқий асосларининг яратилиши, ривожланишини ва сайлов амалиётини бизнинг фикримизча қуйидаги асосий босқичларга ажратиш мумкин:

Биринчи босқич (1991-1995 йй.) – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилиниши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, бир палатали Олий Мажлисни кўппартиявийлик асосида шакллантириш даврини ўз ичига олади.

Бу даврда “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги (1991 йил 18 ноябрь), Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (1992 йил 8 декабрь), “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида”ги¹ (1993 йил 28 декабрь), “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги (1994 йил 5 май), “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги (1994 йил 5 май) қонунларнинг қабул қилиниши умумэътироф этилган таомойиллар асосида кўппартияли, муқобил сайловларни ташкил этишнинг ҳуқуқий асосини яратди.

¹ Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида”ги конституциявий қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. – 1994. – № 10. – 250-модда.

Бу босқичда 1994 йил 5 майда муҳим ҳужжат – “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонун қабул қилинганлиги фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини амалга ошириш ва уларнинг ўз хоҳиш-истакларини эркин ифодалаш механизмини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб берди.

Янги сайлов қонунчилиги амалиётда 1994 йилда кўппартиялилик асосида ўтказилган парламент сайловларида синаб кўрилди. Унинг натижасида биринчи чақириқ Олий Мажлис учта сиёсий партия, ҳокимият вакиллик органлари, ташаббускор гуруҳлар томонидан кўрсатилган номзодлар асосида сайланган депутатлардан шаклланди. Шу асосда, Конституциявий-ҳуқуқий механизмлар орқали ягона партиянинг “еткачилик роли”га асосланувчи “шўро” сиёсий тизимидан демократик шаклланган, кўппартиявийликка таянадиган миллий парламент вужудга келди.

Иккинчи босқич (1995-2004 йй.) – миллий сайлов қонунчилигининг биринчи босқичда ўтказилган парламент сайловларида тўпланган амалий тажрибага мувофиқ сайлов тизимининг демократик асосларини мустаҳкамлаш ва қонунларга тегишли ўзгартиришлар киритиш каби тадбирларни ўз ичига олади.

Жумладан, бу босқичда сайловларни ташкил этиш ва натижаларини аниқлашда холислик ҳамда эҳтиросларга йўл қўймасликни таъминлашга қодир мустақил орган – Марказий сайлов комиссияси тузиш талабидан келиб чиқиб, “Ўзбекистон Республикасининг Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги (1998 йил 30 апрель) қонун қабул қилинди ва мамлакатимиз тарихида илк бор демократик йўл билан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тузилди. Бундан ташқари, депутатликка мустақил номзодларни илгари суришни кучайтириш, Ўзбекистонда кўппартиявийлик ва сиёсий фикрлар хилма-хиллигини кучайтиришга кенг шарт-шароитлар яратиш мақсадида сайлов қонунчилигидан “беш фоизлик тўсиқ” ҳақидаги қоида чиқариб ташланди ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларини бевосита номзод кўрсатиш ҳуқуқлари мустаҳкамланди. Шунингдек, 1999 йил 19

августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар ҳамда халқ депутатлари, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар тўғрисидаги қонунларга бир қатор жиддий тўлдиришлар ва ўзгартиришлар киритилди.

Сайлов жараёнинг муҳим субъектлари саналган сиёсий партиялар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солувчи Ўзбекистон Республикаси “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги қонунни 1996 йилнинг декабрида қабул қилиниши 1999 йилда ўтказилган парламент сайловларига янги ҳуқуқий замин яратди¹. Сиёсий партияларда Олий Мажлисда ўз сиёсатини уюшган ҳолда ўтказиш учун парламент фракцияларини ташкил этишнинг қонуний кафолатлари вужудга келди. энг муҳими, сиёсий партиялар сайлов тартиб-қоидаларига риоя қилинишини назорат этиш бўйича ваколатлари кенгайди ва номзод кўрсатган сиёсий партия ҳар бир сайлов участкаларига ўз кузатувчиларини тайинлаш ҳуқуқига эга бўлди.

1999 йилда ўтказилган парламент сайловларида фуқаролар иккинчи маротаба бир нечта номзод орасидан ўзларига маъқулларини сайлашди, уларнинг ҳар бирига тегишли баҳо беришди. Бу сайловларда рақобат янада кучли, сайловчиларнинг номзодларга талаблари эса янада юқори бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов 2000 йил 25 майда бўлиб ўтган Иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг иккинчи сессиясидаги “Ўзгариш ва янгиланиш – ҳаёт талаби” маърузаларида: “... ҳаёт ўзгариши билан, одамларимизнинг аввалги сиёсий ва маънавий онги улғайиши билан, бизнинг парламентимизнинг ташкил этилишида ҳам, унинг фаолиятида ҳам ўзгаришлар бўлиши табиий. Шу ҳолатларни назарда тутиб, мен доимий асосда ишлайдиган икки палатали парламент тизимига ўтиш таклифини киритмоқчиман”²-деб, илгари сурган мазкур ғоялари бу даврда қабул

¹ Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1997. – № 2. – 36-модда.

² Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т. 8. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – Б. 483.

килинган қонун ижодкорлик фаолияти дастурида марказий бўғин бўлди¹. Бунда асосий эътибор қуйи палата – қонунчилик палатасини шакллантиришнинг бош принципи асосан партиявий вакиллик принципи бўлди. Бу сиёсий партия вакиллариининг ўз ижтимоий-сиёсий қарашларини ва сайловлар манфаатларини ифодалаш учун кенг имкониятлар яратди. Парламентнинг юқори палатаси – Сенат тенг ҳуқуқли ҳудудий вакиллик органи сифатидаги ваколатлари ҳамда у поғонали сайловлар асосида шаклланиши Конституциявий қонунда мустаҳкамлаб қўйилди².

Давлат бошқарувини демократлаштириш ва янгилаш ҳамда эркинлаштириш шароитида Президент ваколати муддатини ўзгартирилиши ва унинг айрим ваколатларини Сенат ва Бош вазирга ўтказилиши, икки палатали парламент барпо этилиши ўз-ўзидан сайлов тўғрисидаги қонунларнинг ўзгаришига олиб келди. Шу боис 2003 йилнинг 29 августида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар³ ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар тўғрисидаги қонунлар янги таҳрирда қабул қилинди. Шундай қилиб, икки палатали парламентга сайловлар учун зарур норматив-ҳуқуқий база амалда яратилди. Унда сайлов ҳуқуқининг халқаро стандартлари ва сайлов тизимларини ривожлантириш тажрибаси, шунингдек, мамлакатда парламентаризм тараққиётининг миллий хусусиятлари эътиборга олинди. Масалан, 2004 йилги сайловларга қадар сайлов қонунчилигига жорий этилган энг муҳим янгиликлар қаторида – маҳаллий Кенгашларнинг депутатликка номзодлар кўрсатиш ҳуқуқи бекор қилинганлиги, сиёсий партиялар депутатликка номзодлар кўрсатганида хотин-қизлар учун квота белгилангани, шунингдек, сайловолди ташвиқотини

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг “2002 йил 27 январдаги Ўзбекистон Республикаси референдуми яқунлари бўйича қонунчилик фаолиятини асосий йўналишлари тўғрисида”ги қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 2002. – № 4–5. – 61-модда.

² Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги конституциявий қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 2002. – № 12. – 213-модда.

³ Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги қонуни янги таҳрири // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 2003. – № 9–10. – 132-модда.

олиб боришда партиялар фаолиятини молиялаштириш масаласининг ҳал этилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. 2004 йил 30 апрелда “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги қонун эса партияларга сайловолди курашини фаол ва сайловчилар учун қизиқарли тарзда ўтказишларига қўшимча имкон яратди¹.

Учинчи босқич (2005-2010 йй.) – фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилиш даври бўлиб, иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш, сиёсий ҳаётимизни, қонунчилик, суд-ҳуқуқ тизими ва ижтимоий-гуманитар соҳаларни изчил ислоҳ қилишда муҳим роль ўйнаган давр бўлди. Бу даврда бевосита икки палатали Олий Мажлис тизимига ўтиш билан боғлиқ сайлов қонунчилиги тадрижий таракқиёти учинчи босқичнинг асосий мазмун-моҳиятини ташкил этади.

2008 йил 19 ноябрда қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган “Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун сайлов жараёнининг ҳуқуқий асосларини янада ривожлантирди. Ушбу қонунга мувофиқ, Олий Мажлисининг қонунчилик палатасидаги депутатлик ўринлари сони 120 тадан 150 тага оширилди. Бунда 135 та ўринни сиёсий партиялардан кўппартиявийлик асосида бир мандатли округларда сайланадиган депутатлар эгаллайди. Ўзбекистон экологик ҳаракатидан эса қонунчилик палатасининг ўн беш депутати мазкур ҳаракатнинг олий органи (Конференцияси) томонидан Марказий сайлов комиссияси белгилайдиган муддатларда сайланадиган бўлди. Шунингдек, жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида юз бераётган реал жараёнларда сиёсий партияларнинг роли кучайиб бораётганлиги инобатга олиниб сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳларидан депутатликка номзодлар кўрсатиш институтини бекор қилинди. Шунингдек, депутатликка номзодларнинг ишончли вакиллари сони 5 нафардан 10 нафарга оширилди.

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 2004. – № 5. – 86-модда.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда сайлов комиссиялари фаолиятининг ошкоралигини янада кучайтиришни таъминлашга ённалтирилган бир қатор янги тартиб-қоидалар жорий этилмоқда.

Тўртинчи босқич (2010-2014 йй.) – сайлов тизими модернизациясининг янги босқичи сифатида тарихга кириб улгурди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма йиғилишида “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номли маърузада Юртбошимиз мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантиришни белгилаб берган эди. Хусусан, Президент И.Каримов сайлов қонунчилигида сайлов кампаниясининг ушбу муҳим босқичини амалга ошириш жараёнида депутатликка номзодлар ва сиёсий партияларга тенг шароитлар яратиш механизмларининг самарадорлигини оширишга қаратилган нормаларни назарда тутиш лозимлиги, “Сайловолди ташвиқоти” тушунчасининг ўзига аниқ таъриф бериш, бундай ташвиқотни олиб бориш шартлари, турлари, рухсат этилган шакл ҳамда усулларини қонунчилик йўли билан белгилаб қўйиш, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонуннинг 27-моддасига сайловолди ташвиқотини нафақат сайлов куни, балки овоз бериш бошланишидан бир кун олдин ҳам олиб бориш мумкин эмаслиги тўғрисидаги нормани киритиш, муддатидан олдин овоз бериш тартиб-қоидасини янада мукаммаллаштириш, “овоз бериш кунига қадар қолган беш кун ичида, шунингдек, овоз бериш куни жамоат фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари прогнозларини ва ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни нашр этиш (эълон қилиш), шунингдек, уларни умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқларига (шу жумладан, Интернет тармоғига) жойлаштириш тақиқланади” деган нормани киритиш, Экологик ҳаракатидан Ўзбекистон Республикаси Олий

Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш мақсадида “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддасига Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг Қонунчилик палатаси депутатларини сайлаш бўйича конференцияларида кузатувчиларнинг иштирок этиш ҳуқуқини белгилаб берадиган қўшимча киритиш масалаларини келгусида қонунчилик асосида кўриб чиқиш лозимлиги тўғрисидаги таклифларни илгари сурди¹. Ушбу таклифлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан 2012 йил 1 ноябрда қабул қилинган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати томонидан 2012 йил 5 декабрда маъқулланган “Сайлов эркинлиги янада таъминланиши ва сайлов қонунчилиги янада ривожлантирилиши муносабати билан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунида ўзининг амалий ифодасини топди².

Юқоридагилар билан бир қаторда Ўзбекистонда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишнинг ўзига хос тажрибаси шаклланган бўлиб, ушбу тажриба миллий қонунчилик тизимига асосланади ва демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш шароитида "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги қонуннинг қатор моддаларини янги давр талабларига мослаштириш, сайловларнинг эркин, ошқора ўтказилишини

¹ И.А.Каримов Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь/ Тошкент: “Ўзбекистон”, 2011. 35-41-б.

² “Сайлов эркинлиги янада таъминланиши ва сайлов қонунчилиги янада ривожлантирилиши муносабати билан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 51-сон, 574-модда

таъминлаш мақсадида ушбу қонунга 2013 йилда қатор ўзгартиш ва қўшимчаларнинг киритилишини ҳам ижобий баҳоламоқ зарур¹.

Шундай қилиб, мустақиллик йилларида сайлов қонунчилиги изчиллик билан, босқичма-босқич ривожланиб борди. Ўзбекистон сайлов тизими ҳар бир босқичда Конституция ва халқаро андозаларга мос равишда ислохотлар мақсади ва фуқаролар сиёсий-ҳуқуқий онгини ўсиб боришига мутаносиб тарзда янги поғонага кўтарилди. Бошқача қилиб айтганда сайлов қонунчилигининг амалиётда изчил қўлланилиши мамлакатда амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг таркибий қисмига айланди.

Кўришиб турибдики, Ўзбекистонда сайловлар нафақат фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларини таъминлаш, балки давлат ҳокимиятини шакллантиришнинг бирламчи омилига айланишга улгурди. Шу нуқтаи назардан қараганда, сайловларнинг аҳамияти ва роли қуйидаги назарий ҳарашларда ҳам намоён бўлади. Демократик давлатда сиёсий маданият ва фуқароларнинг ташаббускорлиги юқори даражада ривожланган пайтларда ҳам сайловларда тўла яқдиллик бўлмаслиги табиий ҳол ҳисобланади. Сабаби, сайловларнинг асосий мақсади барча фуқароларнинг ўртасида ҳаёлий келишувга (консенсус) эришишдан иборат бўлиши керак эмас, чунки унга, ғавқулоддаги вазиятлардан ташқари, ривожланган жамиятда ҳеч қачон эришиб бўлмайди, балки сайловлар орқали барча фуқаролар ўз иродасини билдириш имкониятга эга бўлишлари, давлат ҳокимияти эса мазкур иродага мос ҳолда ташкил этилиши ва ҳаракат қилиши лозимлигини таъминлашдан иборат бўлиши керак. Бундан келиб чиқадики, сайловлардаги кураш орқали, охир оқибатда жамият ҳаётида барқарорликка ва ривожланишга эришилади.

Шу билан бирга, сайловлар номзодларнинг кураши ва мусобақаси бўлганлиги учун, уларда турли хил сиёсий ўйинлар ва қизиқиш элементлари мавжуддир. Бундай ҳолатни юзага келишининг боиси шундаки, сайловларда

¹ "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслахатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида" Ўзбекистон Республикасининг 22.04.2013 й. ЎРҚ-351-сон Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 й. 4-сон, 97-модда

иштирок қилаётган фуқаролар сиёсий партиялар томонидан таклиф этилаётган дастурларга нисбатан нафақат ўзларининг манфаатларини аниқлаш вазиятига дучор бўладилар, балки аниқ номзодларга нисбатан ўзининг ҳайрихоҳликларини ёки хуш кўрмасликларини ҳам намоён қилишларига шароит яратилади. Сайлов кампанияси жараёнида, одатда, фуқароларнинг руҳий фаоллигининг кўтарилиши кузатилади ва бу ҳолатларда ҳар-хил эксцесслар юзага келиши эҳтимоли мавжуд бўлади. Ривожланган жамиятларда шунинг учун бундай муаммоларни юзага келиш эҳтимолини олдини олиш мақсадида, қонуннинг тегишли талабларини қўллаган ҳолда сиёсий ахлоқнинг маълум бир стандартлари ишлаб чиқилади. Ўзбекистонда ҳозирча бундай стандартлар ишлаб чиқилмаган ва тасдиқланмаган. Ўз навбатида, бундай стандартларнинг Ўзбекистондаги сайлов жараёнларида қўлланилиши мазкур жараёнларни янада демократлашувига хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган сиёсий ҳаётдаги ислохотлар, жамият ва давлат ҳаётидаги эркинлаштиришлар сайлов тизимига ҳам ижобий таъсир қилди. Бу ўзгаришлар Конституция ва қонунларда ўз ифодасини топди¹. Мазкур масала юзасидан Ж.Абдусатторов таъкидлайдики: “Сиёсий партиялар демократиянинг ажралмас таркибий қисми, сайловларнинг асосий иштирокчилари ҳисобланади”².

Юқоридагилардан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, Ўзбекистондаги шаклланган сайлов тизими сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ умумэътироф этилган халқаро принциплар ва нормаларга мос келади ва у демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш ғояларини амалга ошириш мақсадларига мос ҳолда босқичма-босқич такомиллаштирилиб келинмоқда.

¹ Хусанов О.Т. Конституциявий ҳуқуқ. Тошкент: Илм Зиё, 2006. – Б. 210.

² Абдусатторов Ж. Янги парламент сайловларида сиёсий партияларнинг роли // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. – Тошкент, 2004. – № 4. – Б. 43.

II БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ МЕЪЁРЛАР АСОСИДАГИ САЙЛОВ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНИШИ

2.1. Сайлов тизимини миллий тажриба ва халқаро меъёрлар талаблари асосида шаклланиши ва ривожланиши.

Ўзбекистон сайлов қонунчилиги эркин демократик сайловлар ўтказиш бўйича халқаро сайлов андозалари мажмуини ташкил этувчи халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормаларига тўла мос келади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси муқаддимасида таъкидланганидек, юртимизда «халқаро ҳуқуқнинг умум- эътироф этилган қоидалари устунлиги»¹ тан олинади.

Маълумки, XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари ва эркинликлари мавзуси нуфузли халқаро ташкилотлар жиддий шуғулланадиган масалага айланди. Ҳозирги пайтда дунёда инсоннинг сайлов ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, эркин демократик адолатли сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш соҳасига доир 20 дан зиёд халқаро норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд².

Сайлов ҳуқуқи соҳасига тааллуқли принциплар ва андозалар бирлашган миллатлар ташкилотининг бир қанча халқаро универсал ҳужжатларида, хусусан, инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг (1948 йил) 21-моддасида, фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг (1966 йил) 25-моддасида, ирқий камситишнинг барча шакллари тугатиш тўғрисида халқаро конвенциянинг 5-моддасида, ирқий камситишнинг барча шакллари тугатиш тўғрисида БМТ Декларациясининг (1963 йил) 6-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган³.

Давлат ҳокимияти вакиллик органига сайлов масалаларига ўзида 145 давлат парламентларини бирлаштирган ва, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси ҳам аъзо ҳисобланувчи Парламентлараро Иттифок, айниқса,

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2003. – Б.3.

² Саидов А.Х. Международное право и избирательное законодательство – Т.: ТГЮИ, 2004. – С. 19-33.

³ Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар /Масъул муҳаррир А.Х. Саидов. – Т.: «Адолат», 2004. –Б. 34;45;86-87.

катта эътибор қаратади. 1994 йили Парламентлараро Иттифоқ Кенгаши «Эркин ва адолатли сайлов принциплари тўғрисидаги декларация»ни қабул қилди¹. Ушбу декларация барча мамлакатлар ҳукуматлари ва парламентларини мазкур ҳужжатда белгиланган сайлов ҳуқуқи соҳасига доир халқаро принциплар ва нормаларга амал қилишга даъват этади.

Минтақавий халқаро ташкилотлар ҳам ўзларининг инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоялаш тўғрисидаги Европа конвенцияси (1950 йил), Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Америка Конвенцияси (1969 йил), Инсон ва халқлар ҳуқуқларининг Африка Хартияси (1986 йил) каби халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлари тимсолида халқаро сайлов андозаларига жиддий аҳамият қаратади. Хусусан, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХХТ) Демократик сайловлар соҳасидаги асосий андозалари Инсонийлик мезонлари бўйича Копенгаген ҳужжатида (1990) ўз аксини топган. ЕХХТнинг сайлов принципларини қуйидаги етита сўз – универсаллик, тенглик, эркинлик, адолатлилик, яширинлилик, очиклик ва ҳисобдорлик - мисолида тўла ифодалаш мумкин. Бу - ҳар бир овоз эътиборга олинishi ва фуқаро давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантиришга қўмаклашиши мумкин эканлигининг ўзига хос далолатидир.

Халқаро сайлов принципларининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва сайлов қонунчилигида акс этиши. Ўзбекистонда асосий халқаро сайлов андозаларининг барчаси босқичма-босқич имплементация қилиб борилди. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонунда (янги таҳрири) сайлов халқ ўз ҳокимияти ва хоҳиш-иродасини тўғридан-тўғри рўёбга чиқаришининг олий ифодаси, давлат ҳокимияти органларини демократик тарзда ташкил этишининг негизи экани қайд этилади².

¹ Декларация о принципах свободных и справедливых выборов//В кн.: Саидов А.Х. Межпарламентские организации мира: Справочник, - М.: Международные отношения, 2004. – С. 295-300.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонун//Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 2003, №9-10, 136-модда.

Иккинчидан, фуқаронинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш (фаол сайлов ҳуқуқи) ва сайланиш (пассив сайлов ҳуқуқи) ҳуқуқлари Ўзбекистон Конституциясида мустаҳкамланган, уни амалга ошириш тартиб-қоидалари сайлов қонунчилигида аниқ белгилаб қўйилган. Бунда сайлаш ва сайланиш ҳуқуқлари, сайловлар тартиби, шу билан бирга, сайлов ҳуқуқлари ва эркинликларининг чекланиши билан боғлиқ масалаларнинг қонунчилик асосида тартибга солиниши инсоннинг умум эътироф этилган ҳуқуқ ва эркинликларини, уларнинг қонуний кафолатларини чегаралаб қўймайди. Шунингдек, бу борадаги миллий қонунларни амалга оширишда ҳеч қандай камситишлар кўзда тутилмаслиги эътиборга олинган.

Учинчидан, Ўзбекистон сайлов қонунчилигида умумий сайлов ҳуқуқи принципи мустаҳкамланган. Ҳар бир фуқаро сайлов кунига қадар ёки сайлов кунда Конституцияда ва сайлов тўғрисидаги қонунларда белгиланган муайян ёшга тўлиши билан давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга ҳисобланади («Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 2-моддаси). Умумий сайлов ҳуқуқи фуқароларнинг ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкӣ мавқеи, ирқӣй ва миллий мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, машғулотининг тури ва хусусияти каби ҳолатлардан қатъи назар, ҳеч қандай камситишларсиз рўёбга чиқарилади. Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайланиши мумкин эмас ва сайловда қатнашмайдилар.

Тўртинчидан, тенг сайлов ҳуқуқи принципи «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 3-моддасида мустаҳкамланган. Ҳар бир фуқаро – сайловчи бир овозга эга ва бошқа фуқаролар билан тенгма-тенг тарзда ўзининг ана шу овозга эгалик ҳуқуқини амалга ошира олади. Бир мандатли сайлов округлари бўйича овоз беришда ушбу округлар тенглик асосида ташкил этилиши таъминланади. Бир мандатли сайлов округларининг сайловчилар сонига қараб тузилиши тенгликка амал

килишнинг ўзига хос мезонидир. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 7-моддасида қайд этилганидек, «Қонунчилик палатасига сайлов ўтказиш учун бир юз ўттиз бешта ҳудудий сайлов округи тузилади. Ҳар бир сайлов округидан битта депутат сайланади». Шу модданинг давомида белгиланишича, «сайлов округлари, қоида тариқасида, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида сайловчилар сони тенг ҳолда тузилади». Ҳар бир сайловчи ўзининг эркин овоз беришда иштирок этиш ҳуқуқидан фойдаланиш мақсадида сайлов участкасига, шунингдек, овоз бериш хонасига тенг асосларда ва ҳеч қандай тўсиқларсиз кириш ҳуқуқига эгадир. Ҳар бир фуқаро сайловда ўз номзодини кўрсатиш имкониятидан фойдаланишда ҳам тенг ҳуқуқларга эга.

Бешинчидан, Ўзбекистон сайлов қонунчилигида тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи принципи ҳам ўз аксини топган. Фуқаролар сайловда номзод учун бевосита, яъни тўғридан-тўғри овоз берадилар. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддасида белгиланганидек, «Қонунчилик палатаси депутатлари фуқаролар томонидан бевосита сайланадилар».

Олтинчидан, Ўзбекистон сайлов қонунчилигида яширин овоз бериш принципи мустаҳкамлаб қўйилган. Ушбу принцип сайловчиларнинг хоҳиш-иродасининг қандай тарзда бўлмасин назорат қилинишини истисно этиш, эркин сайлов учун тенг шарт-шароит таъминлаш каби мақсадларни кўзда тутди. Сайловлар яширин овоз бериш процедурасидан фойдаланган ҳолда ўтказилади.

Еттинчидан, сайловларнинг мунтазамлиги ва мажбурийлиги принципи ҳам Ўзбекистон сайлов қонунчилигида мавжуд. Давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловлар мажбурий бўлиб, конституцияда, конституциявий ва сайлов тўғрисидаги қонунларда белгиланган муддат - ҳар беш йилда мунтазам равишда ўтказиб борилади.

Саккизинчидан, Ўзбекистон сайлов қонунчилигида сайловларнинг очиқлиги ва ошкоралиги принципига алоҳида ўрин берилган. Қонунчилик

палатаси сайловларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни сайлов комиссиялари очик ва ошкора амалга оширадилар («Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 6-моддаси). Сайловларни белгилаш, тайёргарлик кўриш ва ўтказиш, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқини таъминлаш ва ҳимоялаш билан боғлиқ қарорлар сайлов тўғрисидаги қонунларда кўзда тутилган тартибда ва муддатларда расмий эълон қилинади ва кўпчиликнинг эътиборига ҳавола этилади. Ушбу принципга амал қилиниши сайлов жараёнларини миллий ва халқаро доираларда кузатишни йўлга қўйиш учун ҳам тегишли шарт-шароит яратади.

Тўққизинчидан, сайловларнинг эркинлиги принципи. Фуқароларнинг сайловда иштирок этиши эркин ва ихтиёрийдир. Ҳеч ким уларнинг муайян номзод учун «тарафдор» ёки «қарши» овоз беришга мажбур этиш ҳуқуқига эга эмас. Ҳеч ким фуқарога уни сайловда иштирок этишга ёхуд иштирок этмасликка мажбурлаш мақсадида таъсир ўтказишга, шунингдек, ўз хоҳиш-иродасини эмин-эркин ифода этиши учун мажбурлашга ҳақли эмас. «қонунчилик палатаси депутатлари сайловида эркин ва яширин овоз берилади. Овоз берувчиларининг хоҳиш-иродаси назорат қилинишига йўл қўйилмайди» («Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддаси). Бюллетенни белгилаш пайтида овоз бериш хонасида овоз берувчидан бошқа шахсларнинг ҳозир бўлиши тақиқланади.

Ўзбекистон сайлов қонунчилиги адолатли сайловлар принципига амал қилиш учун тегишли ҳуқуқий негизга эга. Ушбу принцип сайлов жараёнининг барча иштирокчилари учун тенг ҳуқуқий шарт-шароитни таъминлашга қаратилгандир.

Адолатли сайловлар принципи амал қилишини таъминлашга қаратилган қоидалар «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 2,3,6,9,20,23,27,33,34,37,41,42,44,49 ва 64-моддаларида қайд этилган.

Ўзбекистон сайлов қонунчилигида сайловларнинг мустақил сайлов комиссиялари томонидан ўтказилиши принципи мустаҳкамлаб қўйилган.

Мамлакатимизда сайловга таёргарлик кўриш ва уни ўтказиш, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш ва ҳимоялаш ҳамда уларга риоя этилишини назорат қилиш вазифалари конституция ва қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ваколатлар доирасида фаолият юритадиган мустақил сайлов комиссиялари зиммасига юклатилгандир. Сайлов комиссияларини тузиш, уларнинг ваколатлари ва ишини ташкил этиш тартиби қонунларда белгиланади. Хусусан, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 9-моддасида сайлов комиссиялари тизими қандайлиги кўрсатилган бўлса, 11,13,15 ва 17-моддаларда сайлов комиссияларининг ваколатлари, уларнинг ишини ташкил этиш ва ваколат муддатлари қайд этилган. Марказий сайлов комиссиясининг фаолияти 1998 йилда қабул қилинган махсус қонун – «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги қонун билан тартибга солинади. Тегишли сайлов комиссияларининг қонунда белгиланган ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорлари ва норматив ҳужжатлари барча давлат органлари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари, меҳнат жамоалари ва ҳарбий қисмларнинг, корхона, муассаса ва ташкилотлар раҳбарларининг ижроси учун мажбурийдир («Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 17-моддаси). Давлат органлари ва жамоат бирлашмалари органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар сайлов комиссияларига ўз ваколатларини амалга оширишда ёрдам беришлари, уларнинг иши учун зарур маълумотларни тақдим этишлари шарт.

Ўзбекистон сайлов қонунчилигининг сайлов комиссиялари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш билан боғлиқ масалаларни ҳуқуқий таҳлил қилиш натижасида қонунчилигимизда Марказий сайлов комиссияси аъзоларининг ижро ҳокимияти иштироки ва таъсирсиз сайланишининг ўзига хос ноёб демократик тартиби ўрнатилган.

Ўзбекистон сайлов қонунчилигида сайловлар ва ташвиқот фаолиятининг давлат томонидан ахборот жиҳатдан қўллаб-қувватланиши

принципи назарда тутилган. Давлат сайлов, номзодлар тўғрисидаги ахборотни излаш, йиғиш ва тарқатиш эркинлигини, сайлов жараёнларининг оммавий ахборот воситаларида ҳолисона ёритилишини таъминлайди. Оммавий ахборот воситалари қонунга мувофиқ аҳолини сайлов, номзодлар кўрсатиш, уларнинг сайловолди дастурлари, сайлов кампаниясининг бориши, овоз бериш якунлари ва сайлов натижаларидан хабардор этиб бориш, ўз фаолиятини қонун, қонун ҳужжатлари ва давлатнинг халқаро мажбуриятлари доирасида амалга ошириш учун масъул ҳисобланади.

Давлат фуқаролар, номзодларга, тегишли тартибда рўйхатдан ўтган номзодларини кўрсатган сиёсий партиялар, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳларига қонунда белгиланган тартиб ва муддатларда қонун йўл қўядиган ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай қонуний йўл билан ташвиқот фаолиятини амалга ошириши эркинлигини таъминлайди.

Ўзбекистон сайлов қонунчилигида сайловларда миллий ва халқаро кузатувчиларнинг иштирок этиши принципи мустаҳкамланган. Сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда, қонунда белгиланган тартибда, ҳар бир номзод, ҳар қайси сиёсий партиядан биттадан кузатувчи ва депутатликка номзод кўрсатган сиёсий партиянинг ваколатли вакили қатнашиш ҳуқуқига эгадир¹. Кузатувчилар ва ваколатли вакилнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонунда белгилаб қўйилган ("Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги қонуннинг 6-моддаси). Халқаро кузатувчиларнинг иштироки сайловларнинг очик ва ошқора ўтишига, давлатнинг халқаро мажбуриятларига риоя этилишига кўмаклашади.

Халқаро кузатувчилар фаолияти халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар, хусусан, ЕХХТнинг демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси

¹2008 йил да сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга асосан Ўзбекистон сайлов амалиётида янги – ваколатли вакил институти ташкил этилди. Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг "Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонуни. Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йил 19 ноябрда қабул қилинган. Сенат томонидан 2008 йил 4 декабрда маъқулланган. "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2008 йил, 52-сон, 510-модда.

(ДИИХБ) ҳужжатлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади. Халқаро кузатувчилар қонунда белгиланган тартибда мамлакатга кириш учун рухсат оладилар ва тегишли таклифнома мавжуд бўлган тақдирда, марказий сайлов комиссияси томонидан аккредитация қилинади. Марказий сайлов комиссияси халқаро кузатувчига аккредитация қилингани тўғрисида белгиланган намунадаги гувоҳнома тақдим этади. Бундай гувоҳнома халқаро кузатувчига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида кузатиш олиб бориш ҳуқуқини беради.

Фуқароларнинг ўз сайлов ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилганлиги устидан шикоят қилиши ва бунинг учун тегишли жавобгарлик принципи кўзда тутилган. Фуқаронинг сайлов ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилган тақдирда, жабрланган шахс ёки шахслар мустақил судларга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга, қонунда ва бошқа қонун ҳужжатларида тақиқланган ҳаракат (ҳаракатсизлик) содир этганликда айбланган шахслар эса қонунга мувофиқ жавобгарликка тортилади.

Халқаро сайлов ҳуқуқида яна бир принцип борки, унда камситиш деб ҳисобланмаслиги зарур бўлган чора-тадбирлар кўзда тутилади. Фуқароларнинг сайловга доир юқорида шарҳлаб ўтилган ҳуқуқ ва эркинликлари қуйидагиларни назарда тутган ҳолда қонун билан чекланиши ва бу ҳол камситиш деб ҳисобланмаслиги мумкин:

- Мамлакат аҳолисининг сиёсий, иқтисодий, диний, ижтимоий, тарихий ва маданий шарт-шароит сабабли сиёсий ҳуқуқлар борасидаги қоидалардан аҳолининг асосий қисми билан тенгма-тенг равишда фойдаланиш имконига эга бўлмаган муайян қисми муқобил вакиллигини таъминлаш учун кўриладиган алоҳида чора-тадбирлар;

- Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган, шунингдек, суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқлари чекланиши.

Номзодлар, сиёсий партиялар рўйхатларини кўрсатишда сайлов ҳуқуқлари ва эркинликлари борасидаги чеклашларга бундай чеклашлар

фуқароларимизнинг ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкӣй мавқеи, ирқӣй ва миллий мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, машғулотининг тури ва хусусияти ҳамда бошқа шу каби бошқа белгилар асосида камситиш билан боғлиқ бўлмаган ҳоллардагина йўл қўйилади. Чеклашлар фақат конституция ва қонунларда белгиланган бўлиши зарур ва миллий хавфсизлик, жамоат тартибини сақлаш, ижтимоий фаровонлик, ахлоқ ва маънавиятни асраб-авайлаш, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш манфаатларидан келиб чиққан ҳолда асосли қўлланилиши даркор, бунда чеклашлар давлатнинг халқаро мажбуриятларига мувофиқ келиши шарт.

Сайловларга оид халқаро андозаларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва миллий қонунчиликка имплементация қилиниши. Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳамжамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида юқорида санаб ўтилган сайлов тўғрисидаги халқаро андозаларни, фуқароларнинг сайловга доир ҳуқуқ ва эркинликларини эътироф этади ва мамлакатда демократик сайловлар ўтказиш борасида сайловга доир ҳуқуқ ва эркинликлар кафолатланишини янада кучайтириш учун изчиллик билан қонунлар қабул қилиш ва тегишли чора-тадбирларни қўллаш йўлидан изчил бораётир. Сайловларга оид халқаро андозаларга, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқ ва эркинликларига амал қилинишини таъминлашда ана шу андоза ва меъёрларни миллий қонунчилигимизга имплементация қилиш масаласи муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз бу соҳада зиммасига олган халқаро мажбуриятларини қуйидаги йўналишларда оғишмай адо этиб келмоқда:

1. Конституциямизга, қонунларимизга, умум эътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ, сайлов жараёнлари иштирокчиларининг сайлов тўғрисидаги ҳуқуқларида кўзда тутилган демократик принциплар ва нормалар ҳимоя этилишини, сайловлар демократик руҳда ўтказилишини, сайловларда фуқаролар ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этишини, сайловларнинг бўлиб ўтганлиги, ҳақиқийлиги ва қонунийлиги (легитимлиги)

тан олинишини кўзда тутувчи талабларнинг асосланган бўлишини кафолатлайди.

2. Сайлов тўғрисидаги қонунлар фақат қонун чиқарувчи ҳокимият (парламент) томонидан қабул қилинади. Сайлов ўтказишни таъминлашга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижро ҳокимияти органлари томонидан ўрнатилмайди.

3. Кўппартиявийлик асосида ўтадиган бевосита сайловлар чоғида барча номзодларнинг эркин рақобатлашуви учун зарур шарт-шароит яратади.

4. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чоғида фуқароларнинг сайловга доир ҳуқуқ ва эркинликларига амал қилинишини таъминлашнинг ҳуқуқий, ташкилий, ахборот жиҳатдан кафолатлаш тизимларини яратади. Хотин-қизларнинг сайлаб қўйиладиган органларга сайлаш ва сайланиш борасидаги ҳуқуқларига реал, эркаклар билан тенгма-тенг равишда амал қилиниши имкониятларини таъминлайди. Овоз беришда барча сайловчилар иштирок этиши учун ҳуқуқий кафолат ва шарт-шароитлар яратиш учун зарур қонунчилик чораларини жорий этади.

5. Сайловчиларни ёши, фуқаролиги, турар жойи, шахсини тасдиқловчи асосий ҳужжати мавжуд экани каби мезонларни кўзда тутувчи ҳеч бир камситишларсиз амалга ошириладиган муайян қонуний-меъёрий процедура негизида рўйхатга олиш учун тегишли ҳуқуқий шарт-шароит яратади.

6. Сайловчилар ҳақида маълумот тақдим этувчи шахсларнинг масъулиятини, маълумотларнинг ҳаққонийлигини, тегишли маълумотлар тўла ҳажмда экани ва уларнинг ўз вақтида етказиб берилишини, шахсий маълумотлар махфийлиги қонунга мувофиқ таъминланишини қонуний асосларда мустаҳкамлайди.

7. Сиёсий партиялар шаклланишига ва уларнинг эркин қонуний фаолият юритишига кўмаклашади, сиёсий партиялар ва сайлов жараёнларининг молиявий таъминланишини қонуний жиҳатдан тартибга солади, қонунлар ва давлат сиёсатида партиялар ва давлат ўртасидаги

мустақилликка амал қилинишини, партиялар ва номзодларга ўз қарашлари ва муносабатларини, сайловолди дастурлари қоидаларини эмин-эркин баён эта олиши, сайловчилар эса ушбу фикр-мулоҳазалар билан танишиш асносида кимни ёқлаб ва кимга қарши овоз бериш хусусида бемалол муҳокама юритиши учун тегишли шарт-шароит яратиш мақсадида сайлов кампаниялари эркинлик ва ҳалоллик муҳитида ўтказилишини таъминлайди.

8. Сайлов кампанияси оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан, интернетда ҳолис ёритилишини кафолатловчи зарур чораларни кўради, сиёсий партиялар ва номзодларнинг ҳеч бир камситишларсиз оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишида қандайдир ҳуқуқий ёки маъмурий тўсиқлар қўйилишининг олдини олади, ижтимоий фикр сўровлари натижаларига асосланган маълумотларнинг ахборот банкини шакллантиради ва ушбу маълумотлар сайлов жараёнлари иштирокчиларига, шунингдек, танишиб чиқиш учун сўраган халқаро кузатувчиларга тақдим этилишини йўлга қўяди, сайловларнинг очиқлигини таъминлайдиган, овоз бериш яқунлари ва сайлов натижаларига нисбатан ишонч даражасини оширадиган замонавий ахборот технологияларини жорий этади.

9. Ҳуқуқий таълимни ташкил этиш бўйича аниқ чораларни амалга оширади, фуқаролар ва сайлов жараёнларининг бошқа иштирокчилари сайлов процедуралари ва қоидалари билан танишишини ва бу ҳақда тегишли билимга эга бўлишини, уларнинг ҳуқуқий маданияти юксалишини, сайлов ташкилотчиларининг малакаси ошишини таъминлайди.

10. Мамлакатимиз қонунчилиги ва зиммамиздаги халқаро мажбуриятларимизга мувофиқ эркин, адолатли, ҳақиқий ва мунтазам сайловлар ўтказишни ташкиллаштирадиган мустақил сайлов комиссиялари тузилишини таъминлайди.

11. Фуқароларнинг сайловга оид ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишларини, шунингдек, зўравонлик, алдоқчилик, таҳдид, кўзбўямачилик ва шу каби бошқа йўللар билан фуқароларнинг конституция ва қонунларда мустаҳкамланган сайлаш ва сайланиш ҳуқуқининг эркин амалга оширилишига

ҳамда сайловга оид бошқа ҳуқуқларининг рўёбга чиқарилишига тўсқинлик қилувчи шахсларни жавобгарликка тортиш асосларини қонун йўли билан тартибга солишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширади.

12. Сайловларни ташкил этиш ва ўтказишда халқаро ташкилотлар ҳамда шу ташкилотлар таркибига кирувчи хорижий давлатлар билан фаол ҳамкорлик қилади.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасининг сайлов тўғрисидаги қонунларида эркин демократик сайлов ўтказишнинг асосий қоидалари ва халқаро андозалари ҳамда фуқароларнинг давлат вакиллик органларига сайлаш ва сайланиши билан боғлиқ конституциявий ҳуқуқлари амал қилишининг кафолатлари мустаҳкамлаб қўйилгани эътиборга сазовордир.

2.2. Ўзбекистон давлати сайлов тизимини ривожланган мамлакатлар билан қиёсий тавсифи.

Ҳозирги даврда демократик сиёсий тартиб жорий қилинган мамлакатлар сиёсий-ҳуқуқий тизимининг асосий қондасига айланган сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи ўзининг узоқ ўтмишига эга. Давлатнинг алоҳида ваколатга эга бўлган айрим органларини ва мансабдор шахсларини сайлаш қадимги даврларда Хитой, Хиндистон, Афина, Рим каби мамлакатларда расм бўлган. Ўрта асрларда Франция, Германия, Болгария, Сербия каби мамлакатларда давлат бошлиқлари сайлаш йўли билан ҳокимият тепасига келганлар. 1295 йилдан бошлаб Англия парламенти, XVI асрда Польша сейми, Россия земский собори қуйи палаталарининг аъзоларини сайлаб қўйиш тартиби жорий қилинган. қадимги даврларда ва ўрта асрлардаги сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи ҳақида сўз борганда шуни алоҳида қайд этиш жоизки, бундай ҳуқуқ чекланган бўлиб, ундан фақат эркин кишилар, мулкдорлар ва аслзодалар фойдаланганлар.

Президентимиз эътироф этганидек, «фуқароларимиз сайловларга мамлакатимиз ҳаётидаги энг муҳим, жамиятимизнинг барча жабҳаларида амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятига, демакки, ҳар бир сайловчи тақдирига таъсир кўрсатадиган сиёсий воқеа сифатида ёндашдилар»¹.

Бевосита мамлакатимиз ҳудудида сайлов ҳуқуқининг шаклланиши ва ривожланиши ҳақида сўз кетганда, шуни қайд этиш лозимки, алоҳида мансабдор шахсларни сайлаш қадим даврларда ҳам, ўрта асрларда ҳам расм бўлган. Жумладан, мамлакатимиз ҳудудини ўз ичига олган Хунлар, Турк хоқонлиги, қорахонийлар ва кўчманчи ўзбеклар давлатларида давлат бошлиқлари жамиятнинг ҳукмрон доиралари вакилларида ташкил топган қурултойлар ёки кенгашлар томонидан сайланган, бу вакиллик тизимлар

¹ Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. – Т.: «Ўзбекистон», 2005. – Б.33.

давлат бошлиғининг ваколатларини маълум даражада чеклаган, мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан назоратни амалга оширган.

Республикамиз мустақилликни қўлга киритиши муносабати билан сайлов ҳуқуқини ривожлантиришнинг янги даври бошланди.

Сайлов қонунчилиги ҳозирги кунда такомиллашув жараёнини бошдан кечирмоқда, унинг мукаммал бўлиши учун етакчи демократик мамлакатларнинг тажрибасидан ижобий жиҳатлари олинмоқда. Ҳар қандай қонун учун энг асосий нарса уни амалиётга тадбиқ этиш механизmidир. Шунинг учун қабул қилинаётган қонунларнинг мазмуни билан бирга амалга киритиш механизмларини ҳам мукаммал даражада такомиллаштиришимиз лозим. Бунда миллий давлатчилигимиз тарихий хусусиятлари ва сайловларни ўтказишда илгари тўпланган ижобий тажрибага суяниш, йўл қўйилган нуқсонларни такрорламаслик, илғор жаҳон тажрибаси ҳамда демократия тамойиллари устиворлигига эришиш ғоят маъсулиятли вазифадир.

Ўзбекистон Республикасида демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришга ҳаратилган изчил ислохотлар ўтказиб келинмоқда. Бу ислохотлар давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларини ҳамраб олган. Хусусан, давлат қурилиши ва бошқаруви, халқ ҳокимиятчилигини таъминлаш, давлат ҳокимияти органлари фаолиятида демократик принципларни мустаҳкамлаш соҳасида муайян ютуқларни қўлга киритдик. Бироқ, ҳали олдимизда Конституциявий тузумни янада мустаҳкамлаш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш, демократия ва ижтимоий адолатни ўрнатиш каби, шунингдек, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллигига асосланган сиёсий институтларни янада ривожлантириш орқали инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишдек улкан вазифалар турибди.

Президентимиз И. А. Каримов бу борада қилинган ишларни сарҳисоб қилиб: “Мамлакатимизни 1991-2000 йиллар давомида ислоҳ қилиш ва янгилаш борасида қўлга киритилган натижалар миллий давлатчиликни шакллантириш ва республикаимизни барқарор ривожлантиришда мустаҳкам

замин бўлди. Тарихан қисқа вақт ичида совет давридаги эски маъмурий-буйруқбозлик тизимига барҳам берилиб, миллий давлатчиликни шакллантиришнинг пухта ҳуқуқий асослари яратилди, давлат ҳокимиятининг конун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти тармоқлари ташкил этилди, ижтимоий ва фуқаролик институтлари фаолияти йўлга қўйилиб, иқтисодиётни эркин бозор муносабатларига ўтказиш жараёни амалга оширилди”-деб алоҳида таъкидлади¹.

Зотан, ўзининг ташкил этилиши, тузилиши жиҳатидан ва фаолиятида халқнинг иродасига таянган, барча умумэътироф этилган инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга интилган давлат деганда том маънодаги демократик давлат тушунилади. Бунда демократик давлат фуқароларнинг эркинлиги ва ҳурфикрлилигига асосланган фуқаролик жамияти демократиясининг муҳим ажралмас қисмидир. Мазкур давлатнинг легитимлилиги асосини эса халқ суверенитети ташкил этади. Ўз навбатида, халқ суверенитетининг амалда намоён бўлишининг асосини сайловлар орқали ташкил этилган давлат ҳокимияти ифода этади.

Ҳар қандай давлатнинг демократик давлат деб эълон қилишнинг ўзи кифоя эмас, муҳими, унинг ташкил этилиши ва фаолиятини тегишли ҳуқуқий институтлар, ҳуқуқий кафолатлар билан таъминлашдан иборатдир. Бундай Конституциявий-ҳуқуқий институтларнинг негизини сайлов ҳуқуқи институти ташкил этади.

Ана шу нуқтаи назардан қараганда, юқорида кўрсатилган мақсадларга эришишда сайловлар бир вақтнинг ўзида иккита йирик вазифани ечишга хизмат қилади: биринчидан, сайловлар демократияни амалга оширишнинг бевосита шакли бўлиб, фуқароларни уюшган ҳолда ўзлари яшаб турган давлат ва жамиятни бошқариш жараёнларига сафарбар этади. ҳақиқатдан ҳам “халқ ҳокимиятининг бевосита олий ифодасини эркин сайловлар ташкил этади”². Бунда фуқаролар ҳар қандай жараённинг иштирокчиси бўлганидек, сайлов

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007. – Б. 29.

² Қаранг: Баглай М.В. Конституционное право Российской Федерации. – М.: ИНФРА, 2000. – С. 107.

жараёнида иштирок этиб ўзига сиёсий тажриба орттирадилар. Улар, авваламбор, ўзларининг сиёсий онгини чарҳлаб, сиёсий-ҳуқуқий маданиятини оширади ва бу жараёнда иштирок этишнинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатларини такомиллаштириб борадилар. Шунингдек, фуқаролар уюшқоқлик, ҳамжиҳатлик билан, ўз ҳаракатларини келишув асосида намоён қилишларида сиёсий тажриба ва кўникмаларини орттириб борадилар.

Иккинчидан, демократик давлатнинг муҳим белгиларидан бирини вакиллик демократияси ташкил этади. Вакиллик демократияси фуқароларнинг манфаатларини бирлаштириб, қонунлар ва ҳарорлар қабул қилишга мутлоқ ҳуқуқ берилган сайланадиган муассасалар орқали халқ ҳокимиятини амалга оширишидир. Бундан келиб чиқадики, том маънодаги вакиллик демократиясининг амалга оширилиши сайлов жараёнининг демократик тамойилларга амал қилишлиги билан тўғридан-тўғри боғлиқдир. Хулоса қилиш мумкинки, демократия ва сайловлар бир-бири билан узвий боғлиқ тушунчалардир.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов шундай таъкидлайди: “Демократия ва сайлов тушунчалари доимо ёнма-ён юради, улар ўзаро бирлашиб кетган. Сайлов – демократия дегани. Демократия – бу сайлов дегани”¹. Мазкур ғояларнинг мазмун-моҳияти негизида сайловларнинг давлат ҳокимияти органларини шакллантиришга алоқадорлик даражаси ётади. Давлат ҳокимияти органлари иккита услубда шакллантирилади: сайловлар йўли билан ва тайинлаш йўли билан. Ўзбекистонда ижро ҳокимияти ва суд органларининг олий мансабларига тайинлашлар сайланадиган органлар томонидан амалга оширилиб келинмоқда.

Шундай қилиб, сайловлар давлат ҳокимияти органларининг бутун тузилмасига олий бошланғич легитимликни беради”². Ўзбекистонда бевосита сайловлар йўли билан Олий Мажлиснинг битта палатаси – қонунчилик

¹ Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. – Тошкент: Ўзбекистон. 2005. – Б. 165.

² Конституциявий ҳуқуқда легитимлик деб (лотинчадан *legitimus* – қонуний) давлат ҳокимияти органининг ёки олий мансабдор шахсларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини қонуний деб топилиши уларни конституцияга ва халқни қонуний билдирилган иродасига аниқ мос келиши тушунилади.

палатаси ва давлат бошлиғи – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайланадилар. Сайланиш йўли билан маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари ҳам шакллантирилади. Шу тариқа сайланадиган давлат ҳокимияти вакиллик органлари ваколатига давлат ва жамият ҳаётидаги энг муҳим масалаларни ҳал этиш киритилган. Бу барча даражадаги сайловларнинг ўта муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Сайловлар, референдум каби, халқ иродасини тўғридан-тўғри намоён этилишининг қонунлаштирилган шаклидир. Сайловлар орқали фуқаролар давлат ҳокимияти органларининг шаклланишида иштирок этадилар ва бу билан давлат бошқарувидаги ўзининг Конституциявий ҳуқуқини амалга оширадилар.

Фуқаролик жамияти билан сайловларнинг алоқадорлиги, асосан, шу билан белгиланадики, фуқаролик жамияти, фуқароларнинг фикрлари ва манфаатларининг хилма-хиллигига асосланган ҳолда ташкил этилади, давлат органлари фуқароларнинг иштироки билан адолатли сайловлар асосида ташкил этилмайдиган бўлса, фуқароларнинг ихтиёрий равишда қонунга итоат этишини таъминлашга, ўткир ижтимоий қарама-ҳаршиликлардан қочиб-кутилишга имконият бўлмайди,

Сайловлар, кўпинча, ўтказиладиган ҳудудга боғлиқ ҳолда таснифланиб, қуйидаги кўринишларга бўлинади:

- *умуммиллий сайловлар*, бунда сайловлар бутун мамлакат миқёсида ўтказилади.

- *минтақавий сайловлар*, бунда сайловлар йирик маъмурий бўлинмалар миқёсида ўтказилади.

- *маҳаллий сайловлар*, муайян маъмурий-ҳудудий бўлинма (вилоят, туман, шаҳар, шаҳарча) миқёсида ўтказиладиган сайловлар.

Сайловлар фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини ифода этишларига боғлиқ ҳолда, тўғри (бевосита) ва эгри (поғонали –билвосита) сайловларга бўлинади:

- *бевосита сайловлар* - аниқ бир шахснинг муайян бир лавозимга фукаролар томонидан бевосита сайлаб қўйилишидир. қатор давлатларда, Франция, Миср, Ўзбекистон ва бошқа давлатларда, Президент бевосита сайловчилар томонидан сайлаб қўйилади.

- *билвосита сайловлар*, яъни поғонали сайловларда, сайловчиларнинг хоҳиш-иродаси бевосита ўзлари томонидан эмас, балки сайловчилар гуруҳи ёки ҳаракатдаги сайлов органи орқали амалга оширилади. Билвосита сайловлар, АҚШда мамлакат Президентини сайлашда, ҳозирга қадар, расман қўлланиб келинмоқда.

Билвосита сайловларнинг ҳам икки тури мавжуд:

- билвосита сайловлар, бунда сайловчилар ўз хоҳиш-иродалари орқали махсус сайловчиларни, ишончли вакиллар қайъатини сайлашади, улар кейинчалик ўзларини сайлаган сайловчилар номидан, бевосита конкрет шахсни муайян лавозимга сайлайдилар. Масалан, АҚШ Президенти сайлови.

- кўппоғонали сайловлар – бунда сайловчиларнинг иродасини ифодаловчи сифатида сайловчилар гуруҳи эмас, балки доимий равишда фаолият юритувчи орган, жумладан, маҳаллий Кенгашлар, Парламент ёки Парламентнинг биронта палатаси чиқади (Италия, Хитой ва б.)

Сайловлар навбатдаги ва навбатдан ташқари сайловларга бўлинади:

- *навбатдаги сайловлар* – муайян бир сайлаб қўйилган органнинг ваколат муддати тугаши муносабати билан ўтказиладиган сайловлардир, яъни қонунда белгиланган муддат тугаши муносабати билан ўтказиладиган сайловлар (Франция, Ўзбекистон Президентининг ваколат муддати -7 йил, АҚШ ва Россия Президентларининг ваколат муддатлари – 4 йил).

- *навбатдан ташқари* (муддатдан олдин) сайловлар, бунда мансабдор шахснинг ўрни бўшаб ҳолганда ёки вакиллик органи - парламент муддатида олдин тарқатиб юборилганда, ўтказилиши мумкин. Масалан,

1974 йили Франция Президенти Жорж Помпиду ўлими муносабати билан унинг Президентлик ваколати муддати тугашидан олдин, навбатдан ташқари Президентлик сайлови ўтказилиб, Франциянинг янги Президенти – Жискар дь Эстен сайланди.

Сайловларнинг қўшимча ва қисман сайловлар каби турлари мавжуд:

- *қўшимча сайловлар*, мабодо, коллегиял органда бўш жой пайдо бўлиб ҳолса, шу ҳолда ўтказилади (касаллик, ўлим ёки ўз ихтиёри билан кетиш каби ҳолатлар натижасида) (“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни (янги таҳрир)нинг 47-моддасига биноан Марказий сайлов комиссияси айрим депутатларнинг ваколатларини ҳақиқий эмас деб топган тақдирда, шунингдек, депутат чақириб олинган, бошқа сабабларга кўра депутатлик ваколатлари муддатидан олдин тугатилган ҳолларда тегишли сайлов округларида янги сайлов ўтказилиши белгиланган)¹.

- *қисман сайловлар* эса, қўшимча сайловлардан фарқ қилган ҳолда, қонунда назарда тутилган ва мажбурий характерга эга бўлган бўлиб, улар коллегиял сайлаб қўйиладиган орган таркибини қисман янгилаш (ротация) мақсадида ўтказилади (АҚШ сенати таркиби ҳар икки йилда қисман янгиланади).

Дастлаб, сайловлар қадимги Рим ва қадимги Юнонистонда вужудга келган бўлиб, унда эркин фуқароларнинг овоз беришда қатнашиши мажбурий ҳисобланган, ҳатто бунинг учун ҳақ ҳам тўлашган. Бироқ кейинчалик мутлақ монархия тузуми ҳукмрон бўлгач, сайловлар бир неча юз йилларга йўқолиб кетган, чунки бу даврда давлат органларини шакллантиришда ҳеч ким иштирок этмаган ва сайлаб ҳам қўйишмаган. Сайловлар, шунга боғлиқ ҳолда, сайлов ҳуқуқи, фақат буржуа инқилоблари даврида, дастлабки Конституциялар билан бир пайтда яна қайтадан вужудга кела бошлаган.

¹ “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни (янги таҳрир) // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2003. №9-10.132-модда.

Ўзбекистонда ҳақиқий демократик сайловлар фақат мустақиллик шарофати билан ҳарор топди ва ҳозирги кунда ривожланиш жараёнини бошидан кечирмоқда.

Демократик ҳуқуқий давлатни шакллантириш ва фуқаролик жамиятини барпо этишнинг асосий шартларидан бирини халқ ҳокимиятчилигини таъминлаш масаласи ташкил этади. Жумладан, Президентимизнинг фикрига кўра: “Демократия ҳамма жойда бир хил. Унинг умумий тамойиллари ҳамма учун тушунарли: бу – демократиянинг ажралмас қисми бўлган халқ ҳокимияти, халқнинг хоҳиш-иродаси ва очиқ, эркин сайловлардир. Бу — охир-оқибатда, ҳар қандай демократиянинг энг юқори поғонаси бўлган фуқаролик жамиятидир”¹.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 7-моддасида “Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади”² деган муҳим қоида белгиланган.

Мазкур Конституциявий қоида халқ ҳокимиятчилигини таъминлаш учун вакиллик ҳокимият органларини шакллантириш талаб этилишини кўзда тутади.

Бундан ташқари, вакиллик ҳокимият органларини шакллантириш тартиби сиёсий-ҳуқуқий механизм шаклида намоён бўлиб, бундай механизмни бир вақтда сайлов ҳуқуқи ва сайлов жараёни ташкил этади. Бунда сайлов ҳуқуқи сайланган вакилларни ҳокимият ваколатларига эга бўлишларига тегишли бўлиб, жамият ва давлат фаолиятининг айрим ҳолатларини батафсил ифода этса, унда сайлов жараёни субъектив сиёсий

¹ Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга ҳамжихатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. 12-том. – Т.: Ўзбекистон 2004. Б. 163.

² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон. 2012. –Б 5.

хуқуқни амалга оширишнинг шакли сифатида сайловчиларнинг ҳокимиятни амалга оширишдаги иштирокининг технологиясини акс эттиради.

Фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи демократик ҳуқуқий давлатнинг муҳим тамойилларидандир. Конституцияда халқнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирокини амалга ошириш шакллари ифодаланган. Ўзбекистон фуқаролари халқ депутатлари Кенгаши сайлайдиган ўз вакиллари орқали давлат ҳокимиятини бошқаришда иштирок этадилар, ваколатли органлар ўзини ўзи бошқариш органлари ҳисобланади.

Кўриниб турибдики, сайлов ҳуқуқи ҳақида гап кетганда, одатда, уни аспектларини иккига ажратишади: яъни булар *объектив сайлов ҳуқуқи* ва *субъектив сайлов ҳуқуқи*. Булардан биринчиси - сайлов ҳуқуқи нормалари тизими, яъни асосини ташкил қилувчи принциплари, тизимлари, тартиби, жарёни ва сайловни ташкил қилиш қафолатлари. Иккинчиси - давлат томонидан маълум бир шахсни сайловда қатнашишини (пассив сайлов ҳуқуқи ёки актив сайлов ҳуқуқи) таъминланишини қафолатланиши.

Сайлов ҳуқуқи энг муҳим сиёсий ҳуқуқлардан бири бўлиб, у фуқароларга нафақат вакиллик органларини ташкил этиш, балки бундай органларга ўз вакилларини юбориш имкониятини ҳам беради. Фуқаролар томонидан уларнинг сайлов ҳуқуқларининг ҳеч қандай тўсиқсиз амалга оширилиши уларнинг давлат бошқарувида иштирокининг энг муҳим шаклларида бири ҳисобланади.

Эркин сайлов ҳуқуқининг амалга оширилиши, эркин ҳамда чинакамига ифода этиладиган халқ иродаси ҳокимият ва ҳар қандай ҳукумат қонунийлигининг асоси эканлиги ва ҳар бир шахснинг ўз давлатини бошқаришда бевосита ёки ўз вакиллари орқали қатнашиш ҳуқуқи кўпгина халқаро ҳужжатларда¹, жумладан ЕХХТ нинг Копенгагенда қабул қилинган ҳужжатида ҳам таъкидланган. Ушбу ҳужжат талабларига кўра «Иштирок

¹ Қаранг: 1948 йилги Бутунжаҳон инсон ҳуқуқлари декларациясининг 21- моддаси, 1966 йилги Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 25- моддаси.

этувчи давлатлар тегишинча ўз фуқароларининг бевосита ёки ҳақиқий сайлов жараёнида ўзлари эркин сайлайдиган вакиллар орқали мамлакатни бошқаришда қатнашиш ҳуқуқларини ҳурмат қиладилар»¹. Бу ҳуқуқнинг амалга оширилиши учун яратилган имкониятга қараб у ёки бу давлатнинг қай даражадаги демократия асосида яшаётганлигига баҳо бериш мумкин.

Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини, ўз навбатида, актив ва пасив сайлов ҳуқуқларига бўлиш мумкин.

Актив сайлов ҳуқуқи, яъни сайлаш ҳуқуқи бевосита демократиянинг бир кўриниши бўлиб, у ҳар бир фуқаронинг давлатни бошқаришда ўз вакилларини сайлаш билан иштирок этишини кўзда тутди. Бу ҳуқуққа қонунда белгиланган маълум ёшга етган, муомалага лаёқатли мамлакат фуқаролари эга бўладилар.

Ёш чегараси турли мамлакатларда турлича белгиланиши мумкин. Бразилия ва эронда фуқаролар 16 ёшдан, Индонезияда 17 ёшдан сайлаш ҳуқуқига эга бўлса, айрим мамлакатларда сайлаш ҳуқуқини олишга бўлган чегара анча юқори қўйилган. Масалан, Малайзия, Марокаш, Боливияда фуқаролар 21 ёшга тўлганидан кейингина сайлаш ҳуқуқига эга бўлишади. Россияда 2002 йил 20 декабрда қабул қилинган қонунга кўра сайлов кунигача 18 ёшга тўлган Россия фуқароси сайлаш ҳуқуқига эга. Францияда ҳам сайлов ҳуқуқига эга бўлиш учун белгиланган ёш 1974 йил 5 июлдаги қонун билан 18 ёш қилиб белгиланган. Қирғизистонда ҳам сайлов ҳуқуқига эга бўлиш учун фуқароларнинг 18 ёшга тўлган бўлиши кераклиги 1999 йил 29 апрелда қабул қилинган Қирғизистон Республикасида сайловлар тўғрисидаги Кодекс билан белгилаб қўйилган.

Ўзбекистонда сайлаш ҳуқуқига Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддаси 2-бандига биноан 18 ёшга етган барча Ўзбекистон фуқаролари эгадирлар.

¹ Қаранг: ЕХХҚнинг инсонийлик мезонлари бўйича Копенгаген кенгаши ҳужжатининг 1 қисм 6-моддаси. «ЕХХҚнинг инсонийлик мезонлари бўйича ҳужжатлари», А.Саидов муҳаррирлиги остида, Тошкент, 2002 йил, -Б. 52.

Фукаролик цензи барча давлатларда одатий шартга айланган бўлса-да, баъзи ҳолларда бундай цензнинг йўқолиб кетишини ҳам кузатиш мумкин. Масалан, ўзига хос тузилма бўлган Европа Иттифоқининг Парламентига сайловлар пайтида Францияда бўлган Германия фуқароси Франциянинг Европа Иттифоқи Парламентига вакили учун овоз бериш ҳуқуқига эга. Бу кюнда Европа Иттифоқига асос солган 1992 йилги Маастрихт Шартномасида кўзда тутилган.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилганлар, озодликдан маҳрум қилиш жойларида сақланаётганлар сайлаш ҳуқуқидан фойдалана олмайдилар, яъни озодликдан маҳрум қилиш жойларида сақланаётганларнинг сайлаш ҳуқуқи вақтинча тўхтатилади.

Пассив сайлов ҳуқуқи, яъни сайланиш ҳуқуқига ҳам маълум ёшга етган, муомалага лаёқатли фуқаролар эга бўладилар. Турли давлатларда маълум давлат органларига сайланиш учун белгиланган ёш чегараси турлича бўлиши мумкин.

Актив сайлов, яъни сайлаш ҳуқуқидаги ёш цензи маълум давлатларда аҳолининг барча қатлами учун бир хил белгиланса, пассив сайлов ҳуқуқида ёш цензи номзоднинг қайси органга сайланаётганлигига қараб турлича белгиланиши мумкин. Масалан, Францияда Миллий Мажлис депутатлигига, Республика Президентлигига ва Европа Парламентига номзоди қўйилган шахс 23 ёшга тўлган бўлиши, Сенатга сайланиш учун эса 35 ёшга тўлган бўлиши шарт¹. Ундан ташқари барча номзодларнинг ҳарбий хизматни тўлиқ ўтаган бўлиши ҳам талаб қилинади.

Ўзбекистонда фуқаролар Маҳаллий Кенгаш депутатлигига сайланиш ҳуқуқига эга бўлиш учун 21 ёшга, Олий Мажлис депутатлигига сайланиш учун 25 ёшга, Республика Президентлигига сайланиш учун эса 35 ёшга етган бўлиши керак.

¹ Қаранг: Droit constitutionnel et libertes, Edition SIREY, 1998, pp 50-52

Россияда 2002 йил 20 декабрда қабул қилинган қонуннинг 4-моддасига кўра Давлат Думасига депутат бўлиб сайланиш учун сайлов кунигача 21 ёшга тўлган бўлиши керак.

Сайланиш ҳуқуқи ҳам баъзи мамлакатларда анча юқори бўлиши мумкин. Масалан, Италияда сенатор бўлиш учун номзоднинг 40 ёшга тўлган бўлиши талаб қилинади.

Сайланиш ҳуқуқига эга бўлиш учун яна бошқа шартлар ҳам қўйилиши мумкин. Масалан, Европа Парламентида номзоди қўйилган француз фуқаросидан 1500 евро гаров суммаси талаб қилинади. Ўзбекситон Республикасида Президент бўлиб сайланиш учун номзод Ўзбекистонда камида охириги 10 йил ичида доимий яшаган бўлиши ва давлат тилини яхши билиши керак. Олий Мажлиснинг қуйи ва юқори палаталарига депутатликка сайланиш учун номзод камида сўнгги беш йилда Ўзбекистонда доимий яшаган, қасддан содир этган жиноятлари учун аввал судланмаган бўлиши керак.

III - БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА САЙЛОВ ТИЗИМИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

3.1. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатга хос бўлган демократик сайлов тизимини барпо этилиши.

Демократик ҳуқуқий давлат шаклланишида, Конституциядан бошлаб, то барча қонунлар қадар уларнинг мақсад ва вазифалари принциплар тарзида ўз ифодасини топган. Ҳар қандай демократик ҳуқуқий давлатнинг Конституция ва қонунларининг яратилишида ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларни белгилаб берувчи принципларга таянади. Демак, Конституция ва қонунларнинг мақсад ва вазифаларини белгиланиши бошланғич моддаларда ўз ифодасини топган принциплар асосида бўлишлигини ғоявий мазмунида акс эттиради.

Янада кенгроқ тушунча берилганда, дастлаб Конституциянинг асосий принципларида давлат тузилишининг шакли ва мақсади, келажак истиқболлари белгилаб олинади. Ундан кейинги бўлимларида давлат бошқаруви механизми унга мос равишда яратилади, қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида унга амал қилиниши таъминланади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган асосий принциплар давлат бошқарувининг ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамланишида асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти органларининг ташкил топиши халқнинг бевосита иштирокида амалга оширилади. Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир. Уни амалда тадбиқ этилиши унинг иштирокини таъминланиши билан ҳал этилади. Шунинг учун ҳам сайлов тизими қонунда белгилаб қўйилган тартибда сайлаб қўйган вакиллари орқали белгиланади. Сайлов ҳуқуқи ҳам қонунлар ва давлат ҳокимият органлари орқали таъминланиши кафолатланади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари давлат ва жамият ишларини бошқаришда бевосита ва ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар

ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий тузumi ўз халқининг хошиш - иродасини ифода этади. Конституцияда белгиланган халқ ҳокимиятчилиги принципи турли хил шаклларда амалга оширилиши мумкин. Лекин унинг замирида инсон ҳуқуқи ётади, яъни инсон қадри олий неъмат деб тан олинади.

Франция демократик Республикаси Конституциясининг тўртинчи қисм 3-моддасида сайлов ҳуқуқи мустаҳкамланган бўлиб, ирки, жинси ва миллатидан қатъий назар республика фуқароларининг вояга етганлари сайлов ҳуқуқига эгадирлар, деб белгиланган. 1857 йилдан бошлаб такомиллаштирилиб келинган “Сайлов кодекси”нинг 2-моддасига мувофиқ сайловчилар - 18 ёшга етган сиёсий ҳуқуқларга ва муомала лаёқатига эга бўлган француз фуқароларидир¹.

Ҳозирги ривожланиш босқичида ўзини демократик давлат деб эълон қилган мамлакатларда сайлов ўтказишнинг асосий принципларидан бири ҳисобланган тенг сайлов ҳуқуқнинг қафолатланиши Конституциявий тузум негизини ифода этади.

Давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолият принциплари уларни ташкил этилиши ва фаолиятининг ҳуқуқий асоси Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, Олий Мажлис ва маҳаллий давлат ҳокимияти кенгашларига сайлов тўғрисидаги қонунларга асосланиб, давлат мустақиллигини қўлга киритиб, давлат ҳокимияти органлари фаолиятини демократик принципларга мос равишда, ўз халқининг бой маданий-маънавий меросига таянган ҳолда қайтадан ташкил қилди.

Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимият органларини ташкил этиш принциплари унинг халқининг олдида турган келажак истиқболларини ифодалайди ва унинг мақсад, вазифаларини белгилаб беради. Шу жиҳатдан

¹ Конституционное (государственное) право зарубежных стран. (учебник). – Особенная часть. Страны Европы. (Авторский коллектив). – Москва, «Бек», 1997. – С. 121.

мамлакатимизда амалга ошириладиган сайловларда Конституция ва у асосида қабул қилинган қонунчиликнинг устуворлиги сўзсиз тан олинishi эътироф этилган.

Хорижда сайловларнинг ўтказилиш принциплари ҳар бир давлатда ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, халқ ҳокимиятчилиги ёки миллат ҳокимиятчилиги принципларининг амалга оширилиш шаклини намоён этади.

Сайловларни ташкил қилиш ва ўтказишда қонун устуворлигига эришиш принципи хориж сиёсий амалиётида, асосан, жамоатчилик назоратига таянади ва бунга ошкоралик принципи орқали эришилади. Бу масаланинг бир томонини очиқ берса-да, аммо бу принципнинг мазмунини ёритиб беришда асл моҳиятини бермайди.

Сайловлар ўтказилишида қонун устуворлигининг сўзсиз тан олинishi принципининг асл моҳияти унинг натижасида реал ҳуқуқий демократияга эришилишида намоён бўлади.

Сайлов жараёнида ҳар қандай давлат ва жамиятда эркин тафаккур, фикрларнинг хилма-хиллиги, одамларнинг хоҳиш-иродасини, орзу-умидлари, ижтимоий кайфиятлар, шу билан бирга сиёсий ҳаракатлар ва кучларнинг интилишлари, айниқса, яққол намоён бўлади¹. Сайлов жараёнларининг бошланишини эълон қилиш ва уни ўтказилишини таъминлаш ҳамма давлатларда Конституция ва қонунлар билан белгиланади. Бу эса, ўз-ўзидан равшанки, унинг иштирокчиларини ҳуқуқий жиҳатдан таъминланиши демакдир.

Дунёнинг барча мамлакатларида сайловларни ўтказилишида унинг иштирокчиларини ҳуқуқий жиҳатдан таъминланиш принципини тўғри амалга оширилиши мамлакат ривожининг гарови бўлиб хизмат қилади. Бунинг учун номзод ва сайловчи ўртасидаги муносабатларнинг демократиявийлиги муҳим аҳамият касб этади. Ҳар икки томон учун ҳам Конституцияда тенг имкониятлар ва ўзларини намоён этиши белгиланган бўлиши лозим.

¹ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8. – Т., Ўзбекистон, 2000. – Б. 61.

Мазкур принципни амалиёти учун мамлакатимизда етарли шарт шароитлар мавжуддир, яъни сайлов жараёни билан боғлиқ бўлган барча ҳолатлар қонунчилигимиз билан белгиланган. Унда ҳар бир сайловчи, номзод ва кузатувчиларнинг ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятлари аниқ белгиланган бўлиб, уларга эркин фаолият юритишлари учун имкониятлар яратилади.

Сайловлар фуқароларга уларнинг ўз хоҳиш иродасини эркин ифодалаш имкониятини яратади. Мавжуд сиёсий амалиёт миллий ва тарихий хусусиятларимиз ҳамда имкониятларимиздан келиб чиқади.

Демократиянинг энг муҳим принципи – давлат ҳаётида иштирок қилишга, ўз давлатини бошқаришга, давлат хизматини ўташга тобора кўпроқ фуқароларни мунтазам жалб қилишдир.¹ Мазкур принципнинг амалга оширилиши дастлаб сайловларни қай даражада ўтказилиши билан боғлиқдир.

Бу тажрибанинг биз учун энг муҳим жиҳати шундаки, демократик давлатларда аҳолининг, аввало, сайловчиларнинг ўтказилаётган сайловларга муносабати, сайловларнинг жамият ҳаётида тутган ўрни, уларга таёргарлик ва ўтказиш тартиблари кўп – ўн, балким юз йиллар давомида шаклланганлиги ва кўп сайловлардан ўтганини ҳисобга олишимиз даркор.² Дарҳақиқат, АҚШ, Франция, Италия, Германия, Англия ва бошқа давлатлар демократияни ривожлантириш борасида энг узоқ тарихий жараёнларни бошдан кечирган. Шундай давлатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда эндигина ўз мустақиллигини қўлга киритиб ривожланаётган халқлар ўз давлат тузумини белгилашга ҳаракат қилади. Буни амалга ошириш негизида энг биринчи навбатда инсон ҳуқуқлари ётади. Қайси жамиятда инсон ҳуқуқи улуғланар экан, у тез орада тараққиёт сари илдам қадам ташлай бошлайди. Бунинг негизида давлат ҳокимиятини ташкил этиш принциплари муҳим ўрин тутаяди. Давлат ҳокимиятини ташкил этилишининг демократиявийлиги сайловнинг халқчиллигига эришиш орқали амалга оширилади.

¹ Тўлаганов А.Т. Давлат ҳокимиятининг вакиллик ва ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини ташкил этиш. (дарслик). – Т., ТошДЮИ, 2002. –Б. 39.

² Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8. – Т., Ўзбекистон, 2000. –Б. 62.

Принцип деганда, жамият ва давлат ривожининг мақсад ва вазифаларини, бурч ва мажбуриятларини билдирувчи ижтимоий муносабатларида энг улуғ ҳисобланган умуминсоний кадриятларни ўзида ифодалаб берган ва инсон ҳаётининг тараққиёт мазмунини акс эттирувчи бош ғоялар йиғиндиси тушунилади.

Сайлов ҳуқуқи тамойиллари – бу сайлов қонунчилигининг шаклланиш жараёни, ривожланиши ва ҳаракатланишининг раҳбарий ғояси, ибтидо қоидаси, етакчи мезонидир. Ҳорижий мамлакатларда ва республикамызда сайлов ҳуқуқининг асосий тамойиллари бўлиб бевосита Конституцияда белгиланган умумий, тенг, тўғридан-тўғри ва яширин овоз бериш ҳисобланади. Мазкур тамойиллар қонунчилигимизда ўз аксини топган бўлиб, уларнинг амалга оширилишининг ҳуқуқий механизмлари мамлакатимизда фуқароларнинг давлат бошқарувида бевосита ва ўз вакиллари орқали иштирок этиш имкониятини яратишга қаратилгандир.

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги қонунининг 1-моддасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонунчилик палатасига *сайлов ўтказишининг асосий принциплари* белгиланган бўлиб, унга кўра қонунчилик палатасининг бир юз ўттиз беш депутаты ҳудудий бир мандатли сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланади¹.

Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида” қонуни мамлакатимиз давлат бошлиғи – Президенти умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш орқали фуқаролар томонидан сайланишини белгилайди. Булар жаҳон сайлов тажрибасида энг кўп

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги қонуни янги таҳрири // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси, 2008. – № 12. – 637-модда.

қўлланиладиган сайлов тамойиллари бўлиб, халқаро стандартларга ва демократия талабларига тўла жавоб беради ва улар Конституциямизнинг 90-моддасида Конституциявий даражада мустаҳкамланган.

Умумий сайлов ҳуқуқи мамлакатдаги мутлақ кўпчилик фуқароларнинг овоз беришда бевосита иштирокини кўзда тутди. Умумий сайлов ҳуқуқи мавжуд мамлакатларда маълум ёшга етган ва ақли расо барча фуқароларнинг овоз беришда иштирок этишини назарда тутди. Барча демократик мамлакатлардаги каби Ўзбекистонда ҳам сайлов ҳуқуқини белгилашда сунъий ва ортиқча чеклашларга йўл қўйилмаган.

Тенг сайлов ҳуқуқи орқали фуқаролар сайловларда овоз бериш ва сайланишда тенг иштирок этади, ҳар бир сайловчи бир овозга эга бўлади ва овоз беришда шахсан иштирок этади. Сайловчиларнинг тенг овоз бериши ҳар бир сайловчининг бир сайлов участкасида рўйхатга олиниб, овоз беришда иштирок этиши билан кафолатланади. Тенг сайлов ҳуқуқи фақат овоз беришда тенгликни таъминламай, сайловни барча жараёнларида; масалан, номзод кўрсатиш, матбуотда иштирок этиш кабиларда ҳам тенгликни таъминлайди.

Ғарб мамлакатларида дастлаб сайлов ҳуқуқи эркакларгагина хос ҳуқуқ бўлиб, аёлларга нисбатан жорий этилмаган эди. Баъзи мамлакатларда жинс цензи узоқ йиллар мобойнида сайлов ҳуқуқини қаттиқ чеклаб келган. 1883 йилда мазкур ценз Янги Зелландияда бекор қилинди, шундан кейинги йилларда, хусусан, иккинчи жаҳон урушидан кейин дунё мамлакатларининг кўпчилигида бу цензга чек қўйилди. 1920 йилда АҚШда, 1928 йилда Англияда, 1944 йилда Францияда, 1945 йилда Италияда, 1956 йилда Грецияда ва 1971 йилда Швейцарияда хотин-қизларга сайлов ҳуқуқи берилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 46-моддасига биноан хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар, шунингдек, бу ҳуқуқ сайлов жараёнига ҳам тегишлидир.

Сайлов тизимининг демократик моҳияти сайловнинг умумий бўлишида, яъни барча фуқароларнинг сайловда иштирок этишидагина эмас, шунингдек, сайловнинг тенг бўлишида ҳамдир. Умумий ва тенг

сайлов принциплари ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиб, бир-бирини тўлдиради. Умумий сайлов бўлмаса, тенг сайлов ҳам бўлиши мумкин эмас.

Тенг сайлов ҳуқуқи – 18 ёшга тўлган барча фуқароларнинг сайловда тенг шароитларда қатнашишларини англатади. Сайлов ҳуқуқининг тенглиги тамойили ҳар бир сайловчи фақатгина битта сайловчилар рўйхатига киритилиши, фақат битта овозга эга бўлиб, сайловда тенг асосларда қатнашиши мумкинлигида ўз ифодасини топган. Бу борадаги тенглик сайлов округларини сайловчилар сонининг баробар бўлиши қондаси асосида тузиш билан ҳам таъминланади.

Тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи – бу бевосита овоз бериш бўлиб, у асосида Президент сайловида қатнашаётган фуқаролар одатда номзодлар учун ўзлари яшаб турган жойларда овоз берадилар. Уларнинг овози ҳал қилувчи роль ўйнайди. Айрим мамлакатларда Президент фуқаролар томонидан тўғридан-тўғри сайланмасдан, балки сайловчилар томонидан сайланган танловчилар (сайловчиларнинг вакиллари) орқали (масалан, АҚШда) ёки махсус тузилган органларда (Германия) ёки парламентда (Чехия, Словакия) сайланади.

Яширин овоз бериш — овоз беришнинг демократик усули. Сабаби, овоз бераётган шахсга ҳеч қандай ташқи таъсир бўлмайди, у яширин хонада якка ўзи хоҳишига кўра овоз беради. Унинг кимга қандай овоз берганини ҳеч ким била олмайди, бу эса овоз берувчига эркин ҳаракат қилиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикасининг Конституция ва қонунида сайланадиган Президент олдида муайян талаблар қўйилган. Аввало, Президент бўлиб сайланадиган шахс Ўзбекистон фуқароси бўлиши керак. Фуқаролиги бўлмаган ёки чет эл фуқаролари Президент лавозимига сайланмайди. Айрим мамлакатларда фақат туғилиш орқали фуқароликка эга бўлган шахсларгина Президент бўлиб сайланиши мумкин (масалан, АҚШ, Колумбия, Монголия, Филиппин, Намибияда). Бу мамлакатларда кейинчалик фуқароликка эга бўлганлар Президент бўлиб сайланиш ҳуқуқига эга эмасдир. Ўзбекистонда фуқароликка қай тарзда эга бўлганликнинг Президентликка сайланишда аҳамияти йўқ. Президентликка 35 ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши

биладиган, сайловгача камида 10 йил Ўзбекистонда муҳим яшаган фуқаролар сайланади. Хорижий мамлакатлар қонунларида Президентликка сайланувчиларнинг ёши турлича: 30 ёшдан (Колумбияда) 50 ёшгача (Италияда) белгиланган. Айрим мамлакатларда (масалан, Францияда) ёш чегараси белгиланмаган. Сайланиш ҳуқуқига эга фуқаролар Президент бўлиб сайланиши мумкин. Ўзбекистонда Президентлик учун ўрнатилган 35 ёш энг маъқул ёш бўлиб, бу ёшда инсон ҳар томонлама шаклланади. Президент бўлувчи шахс давлат тилини яхши билиши, шу тилда ўз фикрини раво тушунтириши, давлат тилида ёзилган ҳужжатлар билан мустақил ишлай олиши лозим.

Президент бўладиган шахсга нисбатан мамлакатда сайловгача ўн йил муҳим яшаши кераклиги талаби ҳам жаҳон тажрибасида учрайдиган ва демократик тамойилларга зид бўлмаган талабдир. Болгария ва Монголияда Президентликка даъвогар шахс сайловдан олдин охириги 5 йилда, Македонияда кейинги 15 йилнинг (сайловдан олдинги) камида 10 йилида мамлакатда доимий яшаган бўлиши керак. Агар шу белгиланган даврларда узилиш бўлса, ундай шахс Президент бўлиб сайлана олмайди. Ўзбекистон Республикасида Президент 7 йил муддатга сайланади. Мамлакатимизда 2002 йил 27 январда ўтказилган референдум натижаларига ва Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 4 апрелдаги “Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида”ги Конституциявий қонунига кўра Президентнинг ваколат муддати беш йилдан етти йилга ўзгартирилди.

Юқоридагилардан ташқари, Ўзбекистон сайлов қонунчилигида халқаро нормаларга мос равишда сайлов ҳуқуқининг асосий, Конституциявий принциплари билан бир қаторда қуйидаги умумий принциплари ҳам ўз ифодасини топган:

Ихтиёрийлик тамойили, фуқароларга ўз сайлов ҳуқуқини ҳеч бир қаршиликсиз амалга ошириш имкониятини таъминлашга, шунингдек, уларнинг ўзини намоён этиш, йиғинлар ва жамоат бирлашмаларида қатнашиш эркинлиги каби ҳуқуқлари бутун сайлов жараёни давомида риоя этилишига

ишончни таъминлашга қаратилган. Бу принцип Ўзбекистоннинг сайлов тўғрисидаги барча қонунларида ўз аксини топган. Бундан ташқари фуқаролар сайловларда қатнашишлари ёки қатнашмасликлари ҳам мумкиндир. Сайловларда қатнашмаслик учун эса жавобгарлик белгиланмайди. Бу эса бошқа баъзи давлатлардан фарқ қилувчи хусусиятларимиздан биридир. эркин сайлов ҳуқуқининг амалга оширилиши фуқаролар ижтимоий фаоллигининг ошиб боришига хизмат қилади. Бундай жамиятда фуқаролар турли соҳаларда давлат томонидан амалга оширилаётган сиёсий ислохотларга бефарқ бўлмайдилар.

Ошкоралик тамойили, сайловлар ошкоралик тамойилларига асосланган қонунларга мувофиқ ўтказилишини кўзда тутди. Ошкоралик сайлов жараёнида қонунга ҳилоф ҳаракатларга чек қўяди. Шундай қилиб, овозларни санаш сайлов участкаси даражасидан тортиб, то Марказий сайлов комиссияси даражасигача ҳам ошкора қўрилиб тасдиқланган бўлиши шарт. Овозларни санаб чиқишда номзодларнинг ишончли вакиллари, сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмалари вакиллари, миллий ва хорижий кузатувчилар, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳозир бўлиши мумкин. Бу жараёнлар сайловларнинг яширин ўтказиш принципига зид келмайди, балки ҳаққоний асосда ўтишини таъминлайди. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишдаги ошкоралик принципи Ўзбекистоннинг сайлов тўғрисидаги ҳамма қонунларида ўз аксини топган.

Сайлов комиссиялари фуқароларни ўз ишларидан, сайлов округлари, участкалари тузилганлиги, сайлов комиссияларининг таркиби, уларнинг жойлашган ери ва иш вақтидан воқиф этадилар, сайловчиларнинг рўйхатлари, сайловда иштирок этаётган сиёсий партияларнинг рўйхати билан таништирадилар, қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар хусусидаги маълумотлар, овоз бериш ва сайлов якунларидан хабардор қиладилар.

Ўз навбатида оммавий ахборот воситалари сайловга тайёргарликнинг бориши ва сайлов қандай ўтаётганлигини ёритиб борадилар.

Адолатлилик тамойили. Сайлов жараёни барча иштирокчилари учун тенг шароитлар, ҳамда сайловчиларнинг барча номзодлар ва уларнинг дастурлари хусусидаги ахборотга эга бўлишлари таъминлаши лозим. Ушбу принцип Ўзбекистоннинг сайлов тўғрисидаги қонунларининг мазмунига сингдириб юборилган. Маълумки, ҳозирги сайлов қонунчилигимизга биноан Президентликка номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар ва бевосита фуқаролар эгадирлар. Бунда сайлов ҳуқуқига эга бўлган барча фуқаролар бир хилдаги ҳуқуқ ва имкониятлардан фойдаланадилар. қонунларда Президентликка номзодларга қўйиладиган талаблар ҳам ҳамма сайланувчилар учун тенг асосларда белгиланган¹.

Демократик давлатларда умумэътироф этилган тамойиллар асосида шаклланган ва амалда бўлган сайлов ўтказишнинг демократик принциплари мазмун-моҳиятини қуйидаги тартибда санаш мумкин:

- 1) Конституциявий давлат тузилишига мос бўлган сайлов тизими ва сайлов ҳуқуқининг замонавийлиги тамойили;
- 2) сайловни ташкил этиш ва уни ўтказишда қонун устуворлигига эришиш тамойили;
- 3) сайловнинг халқчиллиги тамойили;
- 4) сайловнинг тежамкорлигига эришиш тамойили;
- 5) сайловда барқарорлик, ҳаққонийлик, юксак маънавият ва инсон ҳуқуқларининг ҳурмат қилиниш тамойили;
- 6) сайловнинг уюшқоқлигига эришиш тамойили ва бошқалар².

Ушбу принциплар жаҳон мамлакатлари ҳаётида, тарихий ривожланиш тажрибалари асосида табиий равишда вужудга келган бўлиб, бу принципларга тўлиқ амал қилган жамиятгина демократик ҳуқуқий давлат қуриш мақсадига эришиши мумкин.

¹ Аҳмедов Д.Қ., Ҳошимхонов А.М. Ўзбекистон Республикасида сайлов ҳуқуқи ва жараёни. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2007. – Б. 45.

² Аҳмедов Д.Қ., Ҳошимхонов А.М. Ўзбекистон Республикасида сайлов ҳуқуқи ва жараёни. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2007. – Б. 45.

Сайловнинг халқчиллиги ташкил этилаётган органнинг миллийлигига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқдир. Демак, сайловда халқчиллик принципига эришиш биринчи навбатда эркинлик, умумийлик, тенглик принципларини таъминланиши билан боғлиқ бўлса, иккинчи жиҳатдан давлат ҳокимияти органларини ташкил этишда ҳар бир миллат ўз тарихий давлат бошқаруви тажрибасига таяниб унинг тузилишини белгилаб олади ва ўз олдида қўйилган мақсадларига эришиш учун шарт-шароит яратади. Шунингдек, сайловни халқчил: оммавий бўлишини уюштиришда кўпгина давлатларда уни ўтказиш кунига катта эътибор берилади. Бу ҳам ўз навбатида сайловларни оммавийлаштиришга хизмат қилади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислохотлар ва тадбирлар аҳолига нормал ҳаёт тарзини таъминлаш ҳамда сиёсий плюрализмни ривожлантиришга ҳаратилгандир. Сайловларда ҳаққонийликка эришиш барқарор ривожланиш ва инсон ҳуқуқлари таъминланишининг кафолати ҳисобланади.

Давлат бошлиғи ва қонунчилик органи - парламент, тинчлик, барқарорлик ва ҳаққонийлик рамзидир ҳамда ҳар қандай демократик жамиятда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафилидир.

“Сайловлар одамларнинг маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, қабилачилик белгилари асосида ажралиб кетишига ҳам сабаб бўлмаслиги керак. Асоссиз равишда бир-бирининг обрўсини тўкиш, ҳақоратлаш, ҳар хил беъмани “ўйинлар“ уюштириш сингари нохуш ҳолларга йўл қўймаслиги зарур”¹.

Сайловларда инсон ҳуқуқлари ва ахлоқ қоидаларига риоя қилиниши мазкур амалиётнинг юқори савияда ҳамда чет кузатувчиларининг ҳурматиغا сазовор бўлишга олиб келади. Сайлов олди кампаниясида номзодларнинг бир бирини обрўсини тўкиши фуқароларнинг ишончсизлигига сабаб бўлади. Бундай ҳолатлар айниқса, Россия Федерациясида охириги Давлат Думасига

¹ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8. – Т., Ўзбекистон, 2000. – Б. 63.

Ўтказилган сайловларда матбуот орқали бериб борилди. Уларда бир-бирини сайловда обрўсини тўкиш табиий ҳол деб қаралиб, демократиянинг ахлоқ чегараларидан чиқиб кетилди.

Сайлов жараёнларида барқарорликка, ҳаққонийликка, юксак маънавиятли ўтказилишига эришиш ва бунинг натижасида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг таъминланиши муҳим бўлиб ҳисобланади.

Ҳорижий мамлакатлар тажрибасида мазкур принципларнинг доимий амал қилишини таъминланиши учун шундай механизм яратилганки, табиий равишда сайлов жараёнларида турли хил сиёсий кучларнинг ўзаро муносабатларида унга риоя этилиши қатъий назорат қилинади.

Ваҳоланки сайловни ўтказилишида АҚШда Конгресс, Францияда Конституциявий Кенгаш, Германияда Федерал Мажлис, Италияда Президент, Испанияда қирол, Англияда қиролича, Канадада қирол, Японияда Император, Грецияда Президент ва Парламент давлат ҳамда миллат рамзи сифатида парламент сайловларини эълон қилади ва уни ҳақиқийлигини белгилайди. Бу давлатларда сиёсий партиялар ва оммавий ҳаракатлар сайлов жараёнларида бир-бирининг фаолиятини назорат қилади. Бу эса сайловда белгиланган мақсадга эришиш учун энг биринчи навбатда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг қатъий риоя этилишини кафолатлайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 60-моддасида назарда тутилган тартибда, сиёсий партиялар турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайдилар ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этадилар. Бу Конституциявий норма, энг аввало, сайловнинг оммавий уюшқоқлик билан ўтказилишида фуқароларга кенг эркинликлар беради. Мазкур ўзгаришларнинг муҳим жиҳати шундаки, кишилар, авваламбор, ўз кучига суяниб ўз тақдирини, оиласи келажагини ўзлари белгилайдиган бўлмоқдалар, ҳаётимизни демократлаштириш жараёнларини онгли равишда қабул қилмоқдалар.

Германия Федератив Республикасининг Асосий қонунининг 3-моддасида “барча немислар иттифоқлар ва жамиятлар ташкил этиш ҳуқуқига

эгадирлар”, 20-моддасининг иккинчи бандида “бутун давлат ҳокимияти халққа асосланади. У халқ томонидан сайлов ва овоз бериш йўли билан махсус қонун чиқариш органлари, ижро этувчи ҳокимият ва одил судлов воситасида амалга оширади”, 21-моддасининг биринчи бандида “партиялар халқнинг сиёсий иродасини шакллантиришга кўмаклашади. Улар эркин равишда ташкил этилиши мумкин. Уларнинг ички тузилиши демократик тамойилларга мос келиши лозим. Сайловларни уюшқоқлик билан ўтиши халқнинг тафаккури, сиёсий фаоллиги ва давлат органлари амалга оширадиган ўзгаришларга ишончи билан белгиланади”,-деб таъкидланади.

Дунё демократик давлатлари қонунчилигида сайловларнинг ташкил этилиши ва ўтказилишини таъминлаш учун давлат бюджетидан маблағ ажратилади. Сайлов учун ажратилган маблағлар уни ташкил этувчи алоҳида орган томонидан тежамли сарф-ҳаражат қилиниш режалари асосида белгиланади. Тизимдан кам вақт ва маблағ сарфлаб самарали натижага эришишга барча шарт шароитлар яратилган бўлмоғи лозим.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган сайловларда қилинадиган сарф-ҳаражатлар давлат бюджетидан қопланади. Ўзбекистон Республикасининг сиёсий партиялари, жамоат бирлашмалари, корхоналари, муассасалари, ташкилотлари ва фуқаролари ўз маблағларини ихтиёрий равишда сайлов ўтказиш учун беришлари мумкин. Бу маблағларни марказий сайлов комиссияси сайлов вақтида фойдаланиш учун қабул қилиб олади, деб белгиланган. Бу эса сайловни тенглик принципида ўтказилишини таъминлайди. ҳамма сайловда ортиқча дабдабозликларнинг бўлишига чек қўяди ва бошқа манбаалардан келиб тушадиган маблағларни ҳаражат қилиниши тежамли бўлади.

Франция Республикасининг сайловини тежамли ўтказилишини таъминлашда номзодларга маъсулият юклайди. Масалан, Президентликка сайлов тўғрисидаги қонуннинг 14-моддасига биноан, номзод ўз шахсини халққа таништириш ва дастурини эълон қилиш тадбирлари шахсий ҳисобидан бўлиши белгиланган. Яна шуниси эътиборга лойиқки, қонуннинг 5-моддасига

биноан номзод сайлов куни эълон қилинганидан кейин 17 кун ичида яшаш жойида жойлашган омонат кассага 10000 франк қўйиши керак.

Сиёсий партиялардан сайлов учун ўтказилган маблағлар ҳам Миллий Комиссия назорати остида тенглик принципига риоя этилган ҳолда ҳаражат қилинади.

“Республика Президенти сайловига оммавий овоз бериш тўғрисида”ги 1964 йил 14 мартдаги Франция давлатининг қонунида, сайловни ташкил этиш ва уни ўтказиш учун кетадиган ҳаражатлар, сайлов Конституциявий Кенгаш томонидан эълон қилинганидан кейин сайлов кампанияси қонунда белгиланган тартибда ўтказилишини назорат қилиш учун тузилган Миллий Комиссия ихтиёри билан амалга оширилади. Шунингдек, Президентликка номзодлар ўртасидаги тенгликни таъминланишига доир ва бошқа сайлов муаммолари билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш учун тегишли ваколатли органларга мурожаат қилиш мумкин.¹

Франция ва Ўзбекистон Республикалари сайловларида давлат бюджетидан ўтказилган маблағ асосан, сайлов бюллетенларини нашр қилиш ва уни овоз беришга тайёрлаш, сайлов учун кетадиган қоғозларнинг ҳаражатини, афишалар тайёрлаш ва уни тегишли жойларга ёпиштириш ва комиссиялар фаолияти учун кетадиган сарф-ҳаражатлардан иборатдир.

Германия Федератив Республикасининг 1975 йил 1 сентябрда қабул қилинган “Бундестаг сайлови ҳақида” қонунида давлат бюджетидан сайлов учун ажратилган маблағлар федерал сайловини ўтказиш раҳбари томонидан тақсимланади. Федерал сайловини ўтказиш раҳбари қонунда ички ишлар вазири томонидан тайинланади. Раҳбар ўлкалар бўйича тузилган сайлов округлари ва сайлов комиссиялари фаолиятини молиявий таъминотини белгилайди ва уни назорат қилади. Уларнинг раҳбарлари ва ўринбосарлари ўлка ҳукумати томонидан тайинланади. Бу эса сайловнинг ўтказилишида бир-бирининг устидан назоратни кучайтириш принципини таъминлайди ҳамда

¹ Чиркин В.Е. Конституционное право зарубежных стран. Ч-64. Практикум. – М., Юрист, 1999. – С. 163.

ажратилган маблағнинг аниқ мақсадга ишлатилишини кафолатлайди. Яна шуниси диққатга сазоворки, давлат бюджетидан сайловда сиёсий партиялар фаолиятининг таъминланиши учун маблағ ажратилиши Асосий қонунида белгиланган. Шунингдек, "Сиёсий партиялар ҳақида"ги қонунида, сайловда сиёсий партиялардан кўрсатилган номзодларга сайловчиларнинг берган овоз сонига қараб давлат томонидан бериладиган сумма миқдори кўрсатилган. Бу эса сиёсий партиялар фаолиятида сайловчиларнинг овози учун кескин курашни келтириб чиқаради. Албатта, Германия қонунчилигида бундай ҳолатнинг белгиланиши миллий тафаккур махсулидир. Шундай бўлса ҳам, ҳар қайси давлатда сайловларнинг тежамли ўтказилиш принципи доимо долзарблигича қолмоқда. Чунки, унинг ўтказилиши учун жуда катта маблағ ҳаражат қилинади.

Республикамиз қонунчилиги барча сиёсий кучларга ўз имкониятлари доирасида эркин фаолият юрита олиш шарт шароитларини яратиб беради. ҳар бир партия ёки сиёсий кучлар қонунлар доирасида сайловчилар овози учун тарғиботлар орқали курашишларига имкониятлар яратилган.

Жамият ва алоҳида олинган шахс ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий мезонини ўрнатилиши натижасида унинг иштирокчиларига ўзини намоён этиши учун ҳар бирининг ҳаракат доираси ўзига хос ва мос равишда белгиланган. Бу эса улар ўртасидаги муносабатларнинг келиб чиқиши ва ривожланишида ўзаро келишмовчиликларга барҳам беради.

Ўзбекистон Республикаси сайлов тўғрисидаги қонунларида ҳам ошкоралик принципи алоҳида моддаларида ўз ифодасини топган. Масалан, қонунчилигимизда белгиланишича, сайловларни ташкил этиш ва уни ўтказишда қатнашаётган сайлов комиссиялари, сиёсий партиялар, давлат ва жамоат идоралари ўз фаолиятларини очиқ ва ошкора олиб борадилар.

Сайлов комиссиялари фуқароларни ўз ишларидан, сайлов округлари, участкалари тузилганлиги, сайлов комиссияларининг таркиби, уларнинг жойлашган ери ва иш вақтидан воқиф этадилар, сайловчиларнинг рўйхатлари, сайловда иштирок этаётган сиёсий партияларнинг рўйхати билан

таништирадilar, илгари сурилаётган номзодлар хусусидаги маълумотлар, овоз бериш ва сайлов якунларидан хабардор қиладилар.

Ўзбекистон Республикасининг оммавий ахборот воситалари сайловга тайёргарликнинг бориши ва сайлов қандай ўтаётганлигини ёритиб борадилар.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан биттадан кузатувчи, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар. Уларнинг ваколатлари тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлиши керак.

Манфаатдор ташкилотлар ўз кузатувчилари тўғрисида сайлов комиссияларига сайловга камида ўн беш кун ҳолганида маълум қиладилар.

Хорижий мамлакатларда ҳам сайлов органлари фаолиятининг натижали бўлишини таъминлаш учун, асосан, ошкоралик принципи қўлланилади. Масалан, Германия Федератив Республикасининг Бундестаг сайлови ҳақидаги қонунининг бешинчи бўлими, “Сайлов ўтказиш тартиби” деб номланган бўлиб, унинг 31-32 параграфларида сайлов ўтказилишида ошкоралик принципининг қўлланиши белгиланган.¹

Шунингдек, Франция Республикасининг 1964 йил 14 мартда қабул қилинган “Умумий овоз бериш йўли билан республика Президенти сайлов ҳақида”ги қонунини “Сайлов кампанияси” деб номланган иккинчи бўлимида, Франция Республикаси Президенти сайловида ошкораликнинг таъминланиши мазкур қонунда белгиланган нормаларга қатъий риоя қилган ҳолда ўтказилади. Ушбу бўлимнинг 12-моддасида: “Сайлов кампаниясида номзодларнинг тенглиги миллий ахборот воситалари ва бошқа оммавий ахборот воситалари ва матбуот орқали ўзларини намоён этишда ўз ёзма маълумотларини эълон қилишда таъминланади”,- дейилган.

¹ Чиркин В.Е. Конституционное право зарубежных стран. Ч-64. Практикум. – М., Юрист, 1999. – С. 165.

Шундан хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, ҳар бир давлат ҳаётида сайловнинг ошкоралиги уни фақат зиддиятларсиз ўтказилишига хизмат қилиб ҳолмасдан, унинг қонунийлигини ҳам кафолатлайди.

Сайловни ташкил этилиши ва унинг оммавийлигини таъминланиши, сайлов иштирокчиларининг ҳуқуқларини амалга оширилиши ва бошқа жараёнларининг табиий вужудга келиши охир-оқибатда, унинг натижалари қандай бўлганлиги билан сайловнинг демократиявийлиги аниқланади.

Агар сайловда алоҳида шахслар ёки гуруҳлар манфаатларига хизмат қилувчи сунъий шарт-шароитларга эришилса, унинг натижалари ҳам шунга мос равишда бўлади. Бу эса ўша давлат ёки жамиятнинг келгуси ривожланиш босқичига салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам сайлов жараёнини илмий нуқтаи назардан ўрганиш ва тадқиқ қилиш унинг мазмун-моҳиятига етиш ҳозирги замон ҳуқуқшунослари учун шартдир.

Ҳар қандай демократик давлат ўз ички ва ташқи сиёсатида доимий ривожланиш қонуниятларини такомиллаштириб боришга интилади. Ривожланиш қонуниятларининг энг муҳим талабларидан бири бу давлат бошқарувида халқнинг иштирокини бевосита таъминланишидир. Халқнинг бевосита давлат бошқарувида иштироки дастлаб сайловлар асосида амалга оширилади. Сайловнинг ташкилий ва ҳуқуқий масалалари эса уни тўғри қонуний ташкил этилганлигига боғлиқ бўлиб, ҳаққоний амалга оширилган бўлса, унинг натижали принципада ўз ифодасини топади.

Масалан, Франция Республикаси Президенти сайловида унинг натижаси Конституциявий Кенгаш назорати остида бўлиб, бунда, асосан, сайлов жараёнларининг охирги босқичи ҳисобланган, сайлов бюллетенларини санаш вақти алоҳида аҳамият касб этади. Шунинг учун бу жараёнга кўпроқ эътибор берилади ва сайлов натижаларини эълон қилиниши ҳам муҳим принциплардан бири бўлиб ҳисобланади.

Франция Президенти сайлови яқунларини эълон қилиш ҳам юқорида кўрсатиб ўтганимиздек, Конституциявий Кенгаш вазифасига киради ва ўн

кунлик муддат ичида бўлажак Президент номини эълон қилади ёки қайта сайлов ўтказиш ёхуд қайта овоз бериш ҳақидаги ўз хулосасини билдиради.

Қонунчилигимизга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Олий Мажлисига сайлов яқунлари ҳам 10 кун муддат ичида Марказий Сайлов комиссияси томонидан эълон қилинади ва сайлов натижаларини аниқлаш жараёнида кузатувчилар иштирокини кафолатлайди.

Шундай қилиб, сайлов ўтказилишининг демократиявийлиги шундаки, унинг натижаларида халқ хоҳиш-иродаси ўз ифодасини топади. Бу эса ҳар қандай демократик давлатнинг ривожланиш кафолатидир.

Куч ишлатиш, алдаш, қўрқитиш орқали ёки бошқа йўллар билан фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш, референдумда иштирок этиш, сайловолди ташвиқотини олиб боришдан иборат ҳуқуқларидан фойдаланишларига тўсқинлик қилиш, шунингдек, ҳужжатларни сохталаштириш, овозларни атайин нотўғри санаш ва сайлов қонунчилигини ўзгача тарзда бузиш қонунларга мувофиқ жавобгарликка тортилишга сабаб бўлади.

ШУНДАЙ ҚИЛИБ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING САЙЛОВ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЛАРИДА ЭРКИН ДЕМОКРАТИК САЙЛОВ ЎТКАЗИШНИING АСОСИЙ ҚОИДАЛАРИ ВА ХАЛҚАРО АНДОЗАЛАРИ ҲАМДА ФУҚАРОЛАРНИING ДАВЛАТ ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИГА САЙЛАШ ВА САЙЛАНИШИ БИЛАН БОҒЛИҚ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚЛАРИ АМАЛ ҚИЛИШИНИING КАФОЛАТЛАРИ МУСТАҲКАМЛАБ ҚЎЙИЛГАНИ ЭЪТИБОРГА САЗОВОРДИР.

3.2. Сайлов тизими ривожда Ўзбекистон экологик ҳаракатининг муҳим субъектга айланиши ва унинг концептуал истиқболлари.

Ўзбекистон Республикасининг «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» ги Қонунидан кўзланган асосий мақсадлардан бири сиёсий партияларнинг роли ва таъсирини ошириш, сайлов тизими ва қонунчилигини такомиллаштириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг экологик ҳаракатига фуқароларнинг **атроф-**муҳит ва саломатликни муҳофаза қилишга доир ҳуқуқларини амалга ошириш ва уларга риоя қилинишида, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлашда кенг иштирок этиш имконини беришдан иборат.

Маълумки, Ўзбекистон экологик ҳаракатининг таъсис конференцияси 2008 йилнинг 2 августида бўлиб ўтган.

“Ўзбекистон экологик ҳаракати” жамоат ташкилотини тузиш ғояси Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида эколог-олимлар, нодавлат ташкилотлар фаоллари, маориф ва соғлиқни сақлаш, ишлаб чиқариш соҳалари **вакиллари**, фермерлар иштирокида ўтказилган семинарлар, “давра суҳбатлари”да ҳар томонлама муҳокама қилинди. Кенг жамоатчилик, ижодкорлар, депутатлар корпуси нуқтаи назарлари ўрганиб чиқилди. Ушбу жамоатчилик анжуманлари давомида билдирилган фикрлар, истақ ва таклифлар Ҳаракатнинг конференция давомида кўриб чиқилган Устави ва Дастурига асос бўлиб хизмат қилди¹.

Ҳаракатнинг бош шиори “Соғлом муҳит - инсон саломатлиги” бўлиб, конференция иштирокчилари Ўзбекистон экологик ҳаракати фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаб олишди.

¹ Ўзбекистонда Экологик ҳаракат ташкил этилди. // Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (ЎЗА) веб-сайти – www.uza.uz; Мавлонов А., Тўлаганов А. Ўзбекистоннинг экологик ҳаракати: ташкил этилишининг объектив омиллари ва фаолиятининг устувор йўналишлари. // Ekologiya xabarnomasi-Экологический вестник-Ecological Herald of Uzbekistan. -2009. № 1.

Ўзбекистон экологик ҳаракати оммавий жамоат ҳаракати бўлиб, у ўз сафида ихтиёрий асосда Ўзбекистон фуқароларининг ҳозирги ва келгуси авлодларининг қулай атроф-муҳитга ва соғлиқни сақлашга, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишга, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлашга доир ҳуқуқларини амалга ошириш ва уларга сўзсиз риоя қилинишига қаратилган ўзгаришларнинг янада чуқурлаштирилишида бевосита иштирок этишни истовчи ва бу йўналишда жамиятнинг бор кучини сафарбар қилишга интилувчи мамлакат фуқаролари ва ташкилотларини бирлаштиради.

Ҳаракат жамоат бирлашмаси шаклида ташкил топади ва фаолият кўрсатади. Унда Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ва амалдаги қонунчиликка кўра, бошқа шахсларнинг, шунингдек, устав фаолияти, мақсади ва вазифалари Ҳаракатга яқин бўлган нодавлат нотижорат ташкилотларининг иштирок этиши кузда тўтилган.

Экоҳаракатнинг асосий мақсадларини қуйидагилар ташкил этади:

-Ўзбекистоннинг ҳозирги ва келгуси авлодларининг қулай атроф-муҳитга ва соғлиқни сақлашга бўлган ҳуқуқига риоя қилиш, атроф табиий муҳитни ҳимоя қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлаш;

- аҳолининг атроф табиий муҳитни ҳимоя қилиш, экологияни, сув ва ҳаво муҳитини яхшилаш, уларни зарарли чиқиндилардан ҳимоялаш бўйича фаоллигини ошириш, биологик хилма-хилликни сақлаш ва тиклаш;

- қонунчилик талабларига риоя қилган ҳолда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги актлари амалга оширилишини таъминлаш, шунингдек, қонунчиликда белгиланган тартибда ушбу соҳада зарур қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ишлаб чиқилиши ташаббусини илгари суриш;

- турли фуқаролик жамияти институтларининг уларнинг зиммасига юклатилган мажбуриятларнинг, шу жумладан, атроф табиий муҳитни асраш

ва аҳоли соғлигини сақлаш мақсадларига ажратилган маблағларнинг оқилона тақсимланиши ва сарфланиши учун масъулиятини ошириш;

- аҳолининг экологик маданиятини ошириш, ўқув юртларида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари бўйича махсус фанларни киритиш;

- экологик хавфсизлик, соғлом яшаш муҳитини, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлашнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлатнинг, жамиятнинг ҳар бир фуқаросининг вазифаси бўлишига эришиш¹.

Ҳаракат ўз мақсадларига эришиш учун қуйидаги масалаларни ҳал қилади ҳамда вазифаларни бажаради:

- жамоатчиликнинг атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик шароитни соғломлаштириш ишларида фаол иштирок этишини кучайтириш;

- атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш бўйича қонунчиликнинг янада такомиллаштирилиши ва ривожлантирилишига кўмаклашиш;

- атроф табиий муҳитни химоя қилиш масалалари бўйича қонунлар ва давлатнинг бошқа қарорлари сўзсиз бажарилиши ва шу мақсадларга йўналтириладиган давлат маблағларидан оқилона фойдаланиш устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш:

- аҳолининг экологик маданиятини ошириш, экологик таълим ва тарбия тизимини ривожлантириш;

- атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

- Ҳаракатнинг жамоавий иштирокчиси бўлган нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш².

Ҳаракат қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- ўз иштирокчиларининг ҳуқуқларини ифодалаш ва химоя қилиш;

¹ Ўзбекистон Экологик ҳаракати Устави. // Ўзбекистон экологик ҳаракати веб-сайти – www.eco.uz

² Ўзбекистон Экологик ҳаракати Устави. // Ўзбекистон экологик ҳаракати веб-сайти – www.eco.uz

- ижтимоий ҳаётнинг турли масалалари бўйича ташаббуслар билан чиқиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига таклифлар киритиш;
- қонунчиликда кўзда тутилган тартибда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари қарорларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;
- белгиланган тартибда рамзий белгиларини таъсис этиш;
- ўз фаолияти ҳақида ахборот тарқатиш;
- ноширлик фаолиятини, маърифий фаолиятни **амалга** ошириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига кўра кўргазмалар, спорт тадбирларини ва бошқа тадбирларни ўтказиш;
- устав вазифаларини бажариш учун тадбиркорлик тузилмаларини яратиш¹.

Ҳаракат ўз иштирокчиларини Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий бўлинишига кўра худудий тамойил асосида бирлаштиради. Ҳаракатга аъзолик қатъий белгилаб қўйилмаган. Экоҳаракатга ҳам фуқаролар, ҳам нодавлат нотижорат ташкилотлари иштирокчи бўлиши мумкин. Ҳаракат иштирокчиларини уларнинг фаолиятини бошқариш ва мувофиқлаштириш мақсадида бевосита бирлаштирувчи ташкилий Марказий Кенгаш қарорига кўра ташкил этиладиган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлинмалари ҳисобланади. Ҳаракат конференцияси олий раҳбарий орган бўлиб, беш йилда бир марта чақирилади. Ҳаракат конференциялари оралиғидаги раҳбарий орган Марказий Кенгашдир. Марказий Кенгаш Ҳаракат манфаатларини ифодалайди ва унинг номидан иш юритади, Ҳаракатнинг устав вазифалари ва дастурий вазифалари ижросини ташкиллаштиради².

Экологик вазифаларни ҳал қилишга янгича ёндашувларнинг аҳамияти Ўзбекистон билан Россия ўртасида 2009 йилнинг 22-23 январида бўлиб ўтган олий даражадаги музокаралар давомида ифодаланди. Мамлакатларимиз

¹ Ўзбекистон Экологик ҳаракати Устави. // Ўзбекистон экологик ҳаракати веб-сайти – www.eco.uz

² Ҳакимов Р. Ўзбекистон экологик ҳаракати сайлов жараёнларининг муҳим субъекти сифатида. // Фуқаролик жамияти. 2009. № 3 (19), -Б. 23.

рахбарлари трансчегаравий дарёларда гидротехник иншоотлар қурилиши бўйича саволларга жавоб берар экан, бундай ҳолларда қўшни давлатлар билан келишувга эришиш, иншоотнинг экологик хавфсизлигини кафолатлаш, тегишли халқаро меъёрлар ва қўшни давлатлар билан тузилган икки томонлама ҳужжатларга риоя қилиш зарурлигини таъкидлашди¹.

Кейинчалик, Ўзбекистон ва Туркменистон раҳбарларининг олий даражадаги музокаралари давомида трансчегаравий дарёлар оқимини камайтиришга йўл қўймаслик зарурлиги, шунингдек, манфаатдор давлатлар томонидан ошкоралик ва тўлиқ хабардорлик тамойиллари асосида трансчегаравий дарёларда гидротехник лойиҳаларни амалга ошириш давомида мустақил халқаро техник-иқтисодий ва экологик экспертиза ўтказилиши зарурлиги таъкидланди².

Шу муносабат билан қайд этиш зарурки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 2007 йилнинг августида Бишкекда ўтган саммит пайтидаёқ трансчегаравий дарёлардан фойдаланиш тамойилларини санаб ўтган, яъни Марказий Осиё дарёлари сув ресурсларидан фойдаланиш масалалари минтақанинг барча давлатларида истиқомат қилувчи 50 миллиондан зиёд аҳолининг манфаатларини эътиборга олган ҳолда ҳал қилиниши лозим; ушбу дарёларда амалга ошириладиган ҳар қандай ҳатти-ҳаракатлар минтақада қарор топган экологик балансга ва сув балансига салбий таъсир кўрсатмаслиги керак; сувдан фойдаланиш ва экология соҳасидаги амалдаги халқаро-ҳуқуқий база Марказий Осиё трансчегаравий дарёлари ресурсларидан биргаликда фойдаланиш бўйича самарали тизим қурилишига замин ҳозирлаши керак³.

Истамбулда 2009 йилнинг 16-22 мартида бўлиб ўтган бешинчи Жаҳон Сув форуми якунларини ҳам қайд этиб ўтиш керак. Унда дунёнинг 130

¹ Ўзбекистон-Россия ҳамкорлиги кўлами кенгаймоқда. // Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (ЎЗА) веб-сайти - www.uza.uz

² Ўзбекистон ва Туркменистоннинг қўшма баёноти. 2009 йил 2 март // Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (ЎЗА) веб-сайти - www.uza.uz

³ Трансчегаравий дарёлар – минтақанинг барча давлатлари манфаатлари йўлида, халқаро меъёрлар асосида ва экологияга зарар етказмасдан фойдаланиш // Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (ЎЗА) веб-сайти - www.uza.uz

мамлакатидан 30 мингга яқин иштирокчи, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси делегацияси ҳам қатнашди. Жаҳон сув форуми фаолияти натижаларига кўра Баёнот қабул қилинган ва унда, хусусан, таъкидланадики, халқаро миқёсда «сув ресурсларига бўлган талабни бошқаришни, сувдан қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланиш самарадорлиги ва унумдорлигини яхшилаш, зарур жойларда, суғориш тармоқлари қурилишини эътиборга олиш, шунингдек тез суръатда кўпайиб бораётган аҳоли эҳтиёжларини қондириш учун озиқ-овқатни етарли миқдорда етиштириш мақсадида лалми ерлардаги қишлоқ хўжалигини яхшилаш, истеъмол таркиби ўзгаришларини, айниқса, қишлоқ жойларида турмуш даражаси ошганлигини эътиборга олган ҳолда» чора-тадбирлар қабул қилинади. Баёнотда, шунингдек турли давлатлар томонидан сув билан боғлиқ бўлган, иқтисодий асосланган, экологик барқарор, ижтимоий адолатли ва бошқа давлатларга зиён етказмайдиган ривожланиш лойиҳалари амалга оширилишини кўллаб-қувватланиши маълум қилинган. Жаҳон Сув форуми давомида Табиатни муҳофаза қилиш фонди Ўзбекистон делегациясига Ўзбекистон Республикасининг халқаро сув сиёсати соҳаидаги етакчилиги тан олинганлиги ҳақидаги дипломни топширди¹.

Жаҳон Сув форуми якунлари дунёдаги сув ресурсларидан самарали фойдаланиш муаммолари бўйича мавжуд жиддий ташвишлардан далолат беради. Унинг натижалари Ўзбекистоннинг ҳозирги ва келгуси авлодлар учун ҳаётий муҳим аҳамиятга эга бўлган масала - Марказий Осиё минтақасида сув ресурсларидан оқилона ва адолатли фойдаланиш борасидаги нуқтаи назари асосли эканлиги ва унинг халқаро миқёсда кўллаб-қувватланишидан гувоҳлик беради².

Экспертларнинг фикрича, Экоҳаракат ҳал қилиши лозим бўлган қисқа муддатли вазифалар орасида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: меъморчилик-режалаштириш топшириқларини ишлаб чиқиш таннархини камайтириш, кичик бизнес учун лойиҳалаштириш ҳужжатлари экспертизасининг соддалаштирилган

¹ Бешинчи сув форуми якунлари ҳақида // Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (ЎЗА) веб-сайти - www.uza.uz

² Бешинчи сув форуми якунлари ҳақида // Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (ЎЗА) веб-сайти - www.uza.uz

тартибини жорий этиш ва уни амалга ошириш тарифларини камайтириш, кадастр хужжатларини расмийлаштириш ва давлат мулки хисобланган хоналарни ижарага бериш жараёнида ижара ҳақини камайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш.¹

1 Каримов И.А Мамлакатимизни модернизация қилишни ва янгилашни изчил давом эттириш — давр талаби. 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруза // Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (ЎЗА) веб-сайти - www.uza.uz

Хулоса

Ҳар қандай демократик давлатда сайловлар энг муҳим конституциявий-ҳуқуқий институт ҳисобланади. Сайловларнинг халқаро эътироф этилган қоидалар асосида, ошқора ўтказилиши демократик принципларнинг амалда эканидан далолат беради. Демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлини танлаган Ўзбекистон энг илғор демократик принципларга асосланган сайлов тизимини йўлга қўйди. Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси, Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактнинг сайлов ҳуқуқига оид меъёрлари талабларига мос келувчи қоида Конституцияда ўрнатилган. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловлар умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш орқали ўтказилиши белгилаб қўйилди. Фуқаролар сиёсий ва ижтимоий фаоллигининг тобора кучайиб боришида сайловларнинг ўрни беқиёсдир. Ўзбекистонда 1994, 1999, 2004, 2009 ва 2014 йилларда вакиллик органларига, 1991, 2000, 2007 ва 2015 йилларда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловларида эркин ва адолатли сайлов ўтказиш бўйича катта тажриба тўплашга эришилди. Сайлов ҳуқуқи фуқароларнинг энг муҳим сиёсий ҳуқуқларидан бири бўлиб, унинг воситасида давлат ҳокимиятининг вакиллик органлари ташкил этилади ҳамда у орқали фуқаролар ўзларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасида белгиланган жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқларини амалга оширадилар. Конституцияда бундай қонуннинг мустаҳкамланиши сайловлар фуқароларнинг давлат бошқарувидаги иштирокининг энг муҳим шаклларида бири эканлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикасида демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини қуриш йўлида истиқлолимизнинг ҳуқуқий пойдеворини шакллантириш, демократик анъаналарнинг ҳуқуқий асосларини

яратиш даври десак муболаға бўлмайди. Хусусан, мустақиллик йилларида сайловларнинг ҳуқуқий асосини белгилаб берувчи қонуний асослар яратилишини мамлакатимизда демократик янгиланишлар, чуқур мазмунга эга сиёсий ислохотларнинг собитқадамлик билан амалга оширилаётганлигидан далолат берувчи омил сифатида изоҳлаш мумкин.

Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини қонунчилик йўли билан мустаҳкамлаб қўйиш, уларнинг эркин амалга оширилишини таъминлаш демократок ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиларидан биридир. Сайловлар демократик жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётининг ажралмас элементи, аҳоли хоҳиш-иродасини ифода эташ, халқ суверенитетини рўёбга чиқаришнинг асосий шаклидир. У ёки бу давлат сайлов тазимининг хусусияти, очиқлиги ва демократиклигига унинг сиёсий тизими демократизмининг даражаси ҳам, ўтказилаётган ислохотларнинг муваффақияти ҳам, ва ниҳоят, мамлакатнинг жаҳон миқёсида тутган обрўси ҳам қўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов алоҳида таъкидлаган эдики, «фуқароларимиз ва сайловчиларимизнинг ўз фикри ва эътиборини, хоҳиш-иродасини билдиришлари учун эркинлик ва яна бир бор эркинлик ҳукмронлигини, оммавий ахборот воситалари ва кузатувчиларга ўз ҳуқуқ ва бурчларини амалга оширишда зарур имкониятларни таъминлаш, тенг ва яширин овоз бериш шароитини яратаб беришни, мухтасар айтганда, демократик норма ва андозаларга сўзсиз риоя қилишни ҳаётнинг ўзи биздан талаб этмоқда». Бу қоида сайлов тизимининг қонунчилик асосларини шакллантиришга масъулият ва талабчанлик билан ёндашишни, уларни ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг, фуқаролар ҳуқуқий онги, ҳуқуқий маданиятининг етуқлиги даражасини ҳисобга олган ҳолда босқичма-босқич ва изчил ривожлантириб боришни талаб қилади.

Мамлакатимиз Президенти таъкидлаганидек, “...демократиянинг энг муҳим принципи – одамларнинг сайлов ҳуқуқини, ўз хоҳиш-иродасини эркин ифодалаш, ўз манфаатларини рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш ҳуқуқини таъминлаш учун ҳақиқий шарт-шароит, қонуний-ҳуқуқий замин яратиб бериш

лозим”¹. Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида сайловларнинг ҳуқуқий асосини белгилаб берувчи қонуний асослар яратилди.

Ушбу магистрлик диссертацияси мавзусини тадқиқ қилиш натижасида қуйидаги фикр ва мулоҳазалар юзага келди. Жумладан,

1. Ривожланишнинг изчил, босқичма-босқич ва тадрижий йўли мамлакатимиз Президенти томонидан яратилган ва кучли фуқаролик жамияти қарор топган демократик давлат қурилишининг ўзбек моделига асос бўлган бешта энг муҳим тамойилнинг биридир. Бу тамойилнинг рўёбга чиқарилиши мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин тарихан қисқа даврда давлат ва жамиятни изчил ислоҳ қилиш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имкониятини берди. Бу стратегия, бир томондан, демократик қурилишнинг жаҳондаги илғор тажрибасини, иккинчи томондан эса халқимизнинг бой тарихий меросини, миллий қадриятларини, одатлари ва теран маданий, маънавий анъаналарини ўзида мужассам этди. Мазкур стратегиянинг амалга оширилиши мафкуралаштирилган, тоталитар давлатдан ва бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик услубларидан, режали иқтисодиётдан қатъиян воз кечиб, инсон ҳуқуқларининг устунлигини, қонун устуворлиги, ҳокимиятнинг бўлиниши каби демократик принципларга асосланган мутлақ демократик давлат тузумини барпо этиш соҳасида босқичма-босқич кенг миқёсли ютуқларга эришиш имкониятини берди.

2. Сайловларнинг мамлакатимизда кўппартиявийликни ривожлантиришдаги аҳамияти ва таъсири тобора ортиб борди. Йилдан-йилга, сайловдан-сайловгача тўпланган тажрибалар асосида ва фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий онги ортиб бориши натижасида сайлов қонунчилигимиз тобора такомиллашиб бормокда. Жумладан, 2008 йил 19 ноябрда қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган “Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг

¹ Каримов И.А. Биз ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. -6-том. –Т.: Ўзбекистон, 1999. Б. 380.

айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун фикримизнинг яққол далилидир.

3. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар конституциямизга, қонунларимизга, умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ, сайлов жараёнлари иштирокчиларининг сайлов тўғрисидаги ҳуқуқларида кўзда тутилган демократик принциплар ва нормалар ҳимоя этилишини, сайловлар демократик руҳда ўтказилишини, сайловларда фуқаролар ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этишини, сайловларнинг бўлиб ўтганлиги, ҳақиқийлиги ва қонунийлиги (легитимлиги) тан олиншини кўзда тутувчи талабларнинг асосланган бўлишини кафолатлайди.

4. Ўзбекистон экологик ҳаракати, унинг раҳбарияти таъкидлаганидек, «сиёсий ташкилот эмас»¹. Унинг фаолияти аҳолининг барча қатламлари манфаатларига дахлдор бўлган экология ва соғлиқни сақлашнинг аниқ муаммоларини ҳал қилишга йўналтирилган. Шу сабабли Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига 15 депутатнинг сайланиши мамлакат парламенти фаолиятида вакиллиги ҳам миллий даражада, ҳам халқаро даражада жамоатчиликнинг экология муаммоларини ҳал қилишдаги ролини оширишга хизмат қилади.

¹ Ўзбекистон экологик ҳаракатини ривожлантириш: вазифалар ва истикбол. 2008 йил 20 декабрь // Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси веб-сайти - www.gov.uz

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Раҳбарий адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура: Т-1.–Т.: Ўзбекистон. 1996
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин: Т-2.–Т.: Ўзбекистон, 1996
3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир: Т-3.–Т.: Ўзбекистон, 1996
4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан: Т-4.–Т.: Ўзбекистон, 1996
5. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби: Т-5.–Т.: Ўзбекистон, 1997
6. Каримов И.А. Ҳозирги босқичда демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари. Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VI сессиясида сўзланган нутқ, 1996 йил 29 август // Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т.5.– Т.: Ўзбекистон, 1998.
7. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз: Т-7.–Т.: Ўзбекистон, 1999.
8. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз: Т-8.–Т.: Ўзбекистон, 2000
9. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз: Т-9.–Т.: Ўзбекистон, 2001
10. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10–Т.: “Ўзбекистон”, 2002
11. Каримов И.А. Биз танлаган йўл-демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11–Т.: “Ўзбекистон”, 2003
12. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.12–Т.: “Ўзбекистон”, 2004
13. Каримов И.А. «Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди». Т., “Ўзбекистон” НМИУ

14. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13-Т: «Ўзбекистон», 2005
15. Каримов И.А. “Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари энг олий қадрият» Т.: «Ўзбекистон», 2005
16. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т.15. –Т.: Ўзбекистон, 2007
17. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодийтимизни барқарор ривожлантириш йўлида. –Т.: Ўзбекистон, 2008.
18. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. Т.: Ўзбекистон. 2008
19. Каримов И.А. Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Тошкент. 2009
20. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. Тошкент. Ўзбекистон. 2009
21. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш - устувор мақсадимиздир. Тошкент. Ўзбекистон. 2010. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза).
22. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаравонлигини янада юксалтиришдир (2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза).
23. Каримов И.А. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир: Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. –Т.: “Ўзбекистон”, 2009
24. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси.

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги маъруза) Т. Ўзбекистон, 2010

25. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. (2010 йилнинг асосий якунлари ва 2011 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза). 2011 йил 22 январь. Халқ сўзи.16-сон.

26. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. «Ўзбекистон», 2011

27. Каримов И.А. “2012-йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2011-йилнинг асосий якунлари ва 2012-йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. 2012 йил 19 январь.

28. Каримов И.А. Мамлакатимизни янада обод этиш ва модернизация қилишни қатъият билан давом эттириш йўлида (21-том). Тошкент; Ўзбекистон, 2013.

29. Каримов И.А. Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини қуриш. Тошкент; Ўзбекистон, 2013.

30. Каримов И.А. Она юртимиз бахту-иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. Тошкент; Ўзбекистон, 2015.

Меъёрий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси -Т., Ўзбекистон, 2014.

2. Ўзбекистон Республикасининг «Президент сайлови тўғрисида»ги 1991 йил 18 ноябрь (2004 йил 3 декабрда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган).

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида (янги таҳрири) (Ўзбекистон Республикаси 28.12.1993 й. 990-XII-сон Қонуни)

4. «Ўзбекистон Республикасининг халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг

қонуни. 1994 йил 5 май. Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 10-сон, –Т.: Адолат, 1994. 1999 йил 18 август, 2003 йил 27 августдаги ўзгартириш ва қўшимчалар билан.

5. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуни. 1994 йил 5 май. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асослари: Хрестоматия.–Т.: Адолат, 2000

6. Ўзбекистон Республикасининг “Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги қонуни. –Т.: “Адолат”, 1999

7. “Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида” Конституциявий Қонуни. 2002 й 4 апрель. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси -2002. №4-5. 60-модда.

8. Ўзбекистон Республикасининг сайлов тўғрисидаги қонунлар тўплами. Тошкент, 2004

9. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи сайлов округларини тузиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Ахборотномаси. № 3-4, 2009

10. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи участка сайлов комиссиялари ишини ташкил қилиш тартиби тўғрисида йўриқнома. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2009 йил 17 сентябрдаги 417-сон қарори билан тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Ахборотномаси. № 3-4, 35-б, 2009

11. “Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Тошкент, 2008 йил 25 декабрь, Ўзбекистон Республикаси Қонунлари тўплами. 194-сон.

12. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ахборотномаси, № 3-4, Тошкент, 2009
13. “Чет эл инвестициялари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 1998 й., 30 апрел. (Ахб., № 5-6, 91-м.)
14. “Инвестиция фаолияти тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 1998 й., 24 декабр. (Ахб., 1999 й., № 1, 10-м.)
15. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1997. – № 2.
16. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг “2002 йил 27 январдаги Ўзбекистон Республикаси референдуми яқунлари бўйича қонунчилик фаолиятини асосий йўналишлари тўғрисида”ги қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 2002. – № 4–5.
17. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги конституциявий қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 2002. – № 12.
18. Ўзбекистон Республикасининг “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 2004. – № 5.
19. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонуни.-Т.:О’ZBEKISTON-2015.-62 бет.
20. Ўзбекистон Республика Марказий сайлов комиссияси тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Қонуни // Марказий сайлов комиссияси низом ва йўриқномалари. - Т.: О’ZBEKISTON -2015. -80 бет. //
21. Ўзбекистон Республикасининг сайлов тўғрисидаги Қонунлари. (ўзб,рус). Иккинчи нашр. -Т.: «Адолат». 2014. -320 бет.
22. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастури. - Т.: О’ZBEKISTON -2015. 28 бет.

Махсус адабиётлар:

1. Абдусаломов М. Халқаро сайлов стандартлари ва Ўзбекистон Президенти сайлов қонунчилиги Т.: «O'zbekiston» - 2015.-64 бет.
2. Абдусаломов М. Халқаро сайлов стандартлари ва сайловларни кузатиш Хужжатлар ва материаллар тўплами. Т.: Baktria press, 2014. – 424 бет.
3. Саидов А.Ҳ. Қиёсий конституцияшунослик .Т-: 1995.
4. Саидов А.Ҳ. Сайлов ҳуқуқи.–Т.: 1994.
5. Таджиханов У., А. Саидов, Х. Одилқориев. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи. (дарслик). -Т., «Шарқ», 2001.
6. Саидов А.Х , Таджиханов У. Жаҳон Конституциялари.Т. Адолат, 2001.
7. Чиркин В.Е. Конституционное право зарубежных стран. Москва, 2001.
8. Аҳмедов Д.Қ. Хорижий мамлакатларда сиёсий партиялар ва партиявий тизим. Т.: 2004.
9. Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи. Дарслик. ТДЮИ. Т. 2005.
10. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳлар -Т., Ўзбекистон, ТДЮИ, 2008.
11. Хусанов О.Т. Конституциявий ҳуқуқ. Тошкент: Илм Зиё, 2006.
12. Абдусатторов Ж. Янги парламент сайловларида сиёсий партияларнинг роли // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. – Тошкент, 2004. – № 4.
13. Саидов А. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва сайлов тизими. - Т.: ТДЮИ.
14. Баглай М.В. Конституционное право Российской Федерации. – М.: ИНФРА, 2000.
15. Тўлаганов А.Т. Давлат ҳокимиятининг вакиллик ва ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини ташкил этиш. (дарслик). – Т., ТДЮИ, 2002.
16. Аҳмедов Д.Қ., Ҳошимхонов А.М. Ўзбекистон Республикасида сайлов ҳуқуқи ва жараёни. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2007.

17. Чиркин В.Е. Конституционное право зарубежных стран. Ч-64. Практикум. – М., Юрист, 1999.
18. Мавлонов А., Тўлаганов А. Ўзбекистоннинг экологик ҳаракати: ташкил этилишининг объектив омиллари ва фаолиятининг устувор йўналишлари. // Ekologiya xabarnomasi-Экологический вестник-Ecological Herald of Uzbekistan. -2009. № 1.
19. Хакимов Р. Ўзбекистон экологик ҳаракати сайлов жараёнларининг муҳим субъекти сифатида. // Фуқаролик жамияти. 2009. № 3 (19)
20. Шамсутдинов Р.Т. Мўминов Х. Ўзбекистон тарихи. Тошкент: Шарқ, НМАК, 2013. Б. 672
21. Қирғизбоев М. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти. Тошкент: Наврўз, 2015.
22. Маликова Г. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловлари: саволлар ва жавоблар. Т.: О'ZBEKISTON -2015. 32 бет.
23. Халилов Э.Х. Сайлов тўғрисидаги Ўзбекистон қонунларининг қарор топиши ва ривожланиши.–Т.: Ўзбекистон, 1999.
24. Конституционное (государственное) право зарубежных стран. Учебник. В 4-х томах. Тома 1-2. Отв. ред. Б.А. Страшун. Общая часть. 3-е изд. -М.: БЕК, 2000.
25. Рахимова М. Президентские выборы: национальный и зарубежный опыт. - Т.: «Узбекистан» - 2015. 40 с. // жами - 744 дона.
26. Рахимова М. Президент сайлови: миллий ва хорижий тажриба Т.: О'ZBEKISTON -2015. 40 бет.

Интернет сайтлари:

[http:// www.uza.uz](http://www.uza.uz);

[http:// www.uza.uz](http://www.uza.uz)

<http://www.gov.uz>

<http://www.lex.uz>

<http://www. www.eco.uz>

ГЛОССАРИЙ

САЙЛОВ — ўз мазмунига кўра бирон-бир органни овоз бериш йўли билан шакллантириш демакдир. Бинобарин, сайлов учун бир неча объектлар бўлиши мумкин. Унда сайлов муқобиллик тарзда амалга оширилади .ки ҳеч бўлмаганда, муқобилликсиз сайловларда ундан воз кечиш учун кафолат бериш имкониятини яратиш лозим. С. - давлат органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқаларни ташкил этишнинг уларни аҳоли ёки бошқа орган томонидан сайлашдан иборат усули. Кўпроқ С. тушунчаси давлат органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг депутатлари ва мансабдор шахсларини сайлашга нисбатан қўлланилади.

САЙЛОВ ТУРЛАРИ- *тўғридан-тўғри сайлов* – бунда депутатлар ёки сайланадиган мансабдор шахслар бевосита аҳоли томонидан сайланади. Мас., ЎЗР Президенти сайлови, Қонунчилик палатасига ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов *тўғридан-тўғри сайлов* ҳисобланади;

билвосита сайлов – бунда аҳоли сайлашга вакил қилинганларни сайлайди, улар эса тегишли шахсларни сайлайди. Масалан, АҚШда сайловчилар сайлашга вакил қилинганларни сайлайди, булар эса АҚШ Президентини сайлайди. Ҳиндистон парламенти Штатлар Кенгаши – юқори палатаси аъзоларининг аксарияти штатлар ва иттифокдош ҳудудлар қонунчилик мажлисларининг аъзолари томонидан сайланади;

кўп поғонали сайлов – бунда аҳоли фақат қўйи вакиллик органларининг депутатларини сайлайди, булар эса кейинги даражадаги вакиллик органларининг депутатларини (делегатларни) сайлайди. Кўп поғонали сайлов баъзи чет мамлакатларда қўлланилади. Масалан, Хитойда юқори халқ вакиллари мажлислари, шу жумладан Бутунхитой Халқ вакиллари мажлиси қўйи халқ вакиллари мажлислари томонидан сайланади.

САЙЛОВ ЖАРАЁНИ — сайлов тизимининг асосий элементларидан бири. У: 1) сайловлар тайинлашни (қоида тариқасида бу алоҳида ҳуқуқ давлат бошлиғи ёки қонунчилик органига тегишли); 2) қонун билан белгиланган тартибда сайловчиларни рўйхатга олишни; 3) туманлар ва бошқа жойларда

сайлов округлари ташкил этишни, (вакиллик тамойилига мувофиқ ҳудудийлик, миллийлик, ишлаб чиқариш ва бошқа хусусиятларни шакллантиради (овоз бериш учун сайлов участкалари ва пунктлари ҳам ташкил этилади); 4) номзод кўрсатишни (сиёсий партиялар томонидан, сайлов блоклари томонидан, ташаббускор гуруҳлар томонидан); 5) овоз бериш ўтказишни (бир ёки икки турда); 6) овоз бериш натижаларини аниқлашни (берилган овозларни ҳисоблашни) ва маҳаллий ҳамда марказий сайлов органлари томонидан амалга оширилувчи депутатлар мандати бўлишини ўз ичига олади.

САЙЛОВДА ОВОЗ БЕРИШ — сайловчининг бирин-кетин амалга оширадиган ҳаракатлари мажмуи: овоз бериш биносида участка сайлов комиссияси аъзосидан сайлов бюллетенини олиш; сайлов бюллетенини тўлдириш; сайлов бюллетенини сайлов қутисига ташлаш.

Расмий жихатдан олганда, овоз бериш ҳодисаси сайлов бюллетени сайлов қутисига ташланганидагина содир бўлади. Бироқ, қонун ҳужжатлари, баъзан, овоз бериш ҳодисасини участка сайлов комиссиясида сайлов бюллетени олиниши билан ҳам боғлайди.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳрири (2003 йил) парламент сайловида овоз беришнинг қуйидагича тартибини белгилайди.

Овоз бериш махсус ажратилган биноларда ўтказилиб, бу биноларда яширин овоз бериш учун етарли миқдорда кабиналар ёки хоналар тайёрланган бўлиши, сайлов бюллетенлари бериш учун жой ажратилган ва сайлов қутилари қўйилган бўлиши лозим. Сайлов қутилари уларнинг ёнига овоз берувчилар албатта яширин овоз бериш кабиналари ёки хоналаридан ўтиб борадиган қилиб жойлаштирилади. Овоз бериш биносида бошқа ҳеч қандай сиёсий тадбир ўтказилишига рухсат этилмайди. Бинони жиҳозлаш ва унда зарур тартибни сақлаб туриш масъулияти участка сайлов комиссияси зиммасида бўлади.

Овоз бериш сайлов куни соат 6 дан соат 20 гача ўтказилади. Овоз бериш вақти ва жойи тўғрисида участка сайлов комиссияси сайловга камида ўн кун қолганида сайловчиларни хабардор қилади. ЎзРнинг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида, ҳарбий қисмларда, санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, шунингдек олис ва бориш қийин бўлган ерлардаги фуқаролар турган жойларда

тузилган сайлов участкаларида, агар рўйхатга киритилган барча сайловчилар овоз бериб бўлган бўлса, участка сайлов комиссияси исталган вақтда овоз бериш тугаганлигини эълон қилиши мумкин.

Сайлов куни овоз бериш биноси участка сайлов комиссияси аъзоларининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлгандагина очилади. Сайлов комиссиясининг раиси комиссия аъзолари ҳозирлигида сайлов қутисини муҳрлайди, сайлов бюллетенлари ва сайловчиларнинг рўйхатларини комиссия аъзолари ўртасида тақсимлайди ҳамда сайлов бошланганлигини эълон қилади. Сайлов бюллетенларининг умумий сони алоҳида ҳужжат билан расмийлаштирилади.

Овоз бериш биносига келгач, сайловчи участка сайлов комиссиясининг аъзосига ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатади ҳамда сайловчилар рўйхатига имзо қўяди. Шундан кейин унга сайлов бюллетени берилади.

Сайлов бюллетени овоз берувчи томонидан яширин овоз бериш кабинаси ёки хонасида тўлдирилади. Сайлов бюллетенини тўлдириш вақтида овоз берувчидан бошқа шахсларнинг ҳозир бўлиши тақиқланади. Сайлов бюллетенини мустақил равишда тўлдириш имконига эга бўлмаган сайловчи ўз хоҳишига кўра, сайлов комиссияси таркибига кирадиган шахслардан, кузатувчилардан ва номзодларнинг ишончли вакилларида бошқа бирон кишини кабина ёки хонага таклиф қилишга ҳақли.

Сайловда сайловчи ўзи қарши овоз бераётган депутатликка номзодларнинг сайлов бюллетенидаги фамилиясини ўчиради.

Овоз берувчи тўлдирилган сайлов бюллетенини сайлов қутисига ташлайди.

Бузиб қўйилган сайлов бюллетени сайловчининг илтимосига кўра янгиси билан алмаштирилиши мумкин. Бузиб қўйилган сайлов бюллетенлари ҳисобга олиниши, бекор қилиниши ва алоҳида сақланиши лозим.

Сайлов куни ўз яшаш жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчи яшаш жойидаги участка сайлов комиссиясидан сайлов varaқасини талаб қилиб олиши, бир қарорга келгач, тўлдирилган сайлов varaқасини конвертга солиб, уни ёпиқ ҳолда участка комиссиясида қолдириши мумкин. Сайловчи сайлов varaқасини олганлиги ҳақида сайловчилар рўйхатига имзо қўяди. Сайлов varaқасининг шакли, сайлов varaқаларини тайёрлаш тартиби,

уларни сайлов участкаларига етказиб бериш муддатлари Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади.

Айрим сайловчилар саломатлигининг яхши эмаслиги ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериш биносига кела олмаган ҳолларда, уларнинг илтимосига биноан, участка сайлов комиссияси комиссия аъзоларига овоз беришни ана шу сайловчилар турган жойда ташкил этишни топширади.

САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ — бўлажак сайловларда ўзига кўпроқ сайловчиларни жалб этиш, уларнинг қўллаб-қувватлашини таъминлаш мақсадида сиёсий партиялар ва мустақил номзодлар томонидан олиб бориладиган тарғибот тадбирлари тизими. С.к.да жамоат бирлашмалари, оммавий ахборот воситалари, турли қўллаб-қувватлаш гуруҳлари ва бошқалар катнашади. С.к. даврида тарғиботнинг асосий шакллари (усуллари): сайлов олди йиғилишлари ва митинглар ўтказиш, рўзномаларда памфлетлар ва мақолалар чиқариш; сайлов олди афишалари, плакатлар ёпиштириш, радио ва телевидение орқали чиқишлар шаклида амалга оширилади. Ҳозирги замон сайлов қонунлари одатда С.к. олиб боришни муфассал тартибга солади. Биринчидан, сайлов кампанияси олиб бориш муддати (айрим ҳолларда эса ҳудуди) аниқ белгиланади. С.к., одатда, сайловни тайинлаш тўғрисида эълон қилинган кундан ёхуд номзодни (партия рўйхатини) рўйхатга олишдан бошланади ва овоз бериш бошланишига 1—2 кун қолганда тўхтатилади. Иккинчидан, давлат томонидан оммавий ахборот воситаларини сайлов олди тарғиботи учун партияларга ва номзодларга бериш тартиби ишлаб чиқилади. Учинчидан, С.к.ни маблағ билан таъминлаш тартиби ва шартлари белгиланади. Масалан, қатор мамлакатлар (АҚШ, Япония, Буюк Британия) қонуни С.к.ни ўтказишга йўл қўйилиши мумкин бўлган харажатлар энг кўп миқдорини белгилайди. Қонун кўпчилик мамлакатларда партиялар ва номзодлар фойдасига хусусий шахслардан хайрия маблағлари тушишининг максимал миқдорини, С.к.ни давлат томонидан субсидациялаш имконияти миқдори ва шартини белгилайди. С.к.ни номаълум ва чет эл манбаларидан молиялаш қатъиян тақиқланади.

САЙЛОВ КВОТАСИ (сайловчилик метри, яқка сайловчилик, ўрта сайловчилик) — битта депутатни сайлаш учун зарур бўлган энг кам овоз сони. Сайлов квотаси ҳар бир сайлов округи учун алоҳида ҳамда мамлакат учун бутунлай аниқланиши мумкин.

САЙЛОВ КОДЕКСИ — катор давлатларда (Франция, Жазоир ва Францияга илгари мустамлака бўлган бошқа давлатларда) сайлов ҳуқуқининг барча асосий нормаларини тизимлаштирган ҳолда мужассамлаштирувчи махсус қонунчилик ҳужжати (қ.: *Сайлов ҳуқуқи*).

САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ — фуқаролар томонидан давлат органлари таркибида бевосита сайловларни ўтказиш учун ташкил этилган махсус коллегиял органлар. Сайлов комиссиялари ваколати ва ташкил этиш тартиби, тизими ЎзРнинг сайлов тўғрисидаги қонунлари билан белгиланади. ЎзР.да сайлов комиссиялари тизимига қуйидагилар киради: Марказий сайлов комиссияси, округ сайлов комиссияси ва участка сайлов комиссиялари.

САЙЛОВ ОКРУГИ — давлат органларига аъзолар сайланадиган ҳудудий бирлик. Ҳар бир сайлов округидан қанча депутатлар сайланишига қараб, бир мандатли ва кўп мандатли сайлов округлари ташкил этилади. Сайлов округи, шунингдек, умумдавлат (пропорционал сайлов тизимида, давлат бошлиғини сайлашда) ва регионал (асосан можаритар ва гоҳида пропорционал сайлов тизимида) бўлиши мумкин.

САЙЛОВ ОРГАНЛАРИ — конституциявий ҳуқуқда сайловларни тайёрлаш ва ўтказишни амалий таъминловчи органлар. Сайлов органлари турли давлатларда махсус сайлов комиссияси сифатида ёки мавжуд давлат органлари — муниципалитетлар, судлар, ички ишлар органлари сифатида бўлиши мумкин. Ўзбекистонда сайлов округлари тизимини Ўзбекистон Республикасининг Марказий сайлов комиссияси, округ ва участка сайлов комиссиялари ташкил этади.

САЙЛОВ ТИЗИМИ — 1) давлат сайлов органларини (аввало, вакиллик органини) шакллантириш тартиби. Сайлов тизими — давлат сиёсий тизимининг муҳим элементи, у ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинади, уларнинг йиғиндиси сайлов ҳуқуқини ташкил этади. Сайлов тизими қуйидагиларни ўз ичига олади: а) сайловчи органларни шакллантиришда қатнашиш шарти ва тамойиллари (Қ.: *актив сайлов ҳуқуқи, пассив сайлов ҳуқуқи*); б) сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби; в) Ўзбекистон ва баъзи мамлакатларда сайланган шахсларни чақириб олиш. Қуйидагилар Сайлов тизимининг конституциявий тамойили ҳисобланади: яширин овоз бериш асосида умумий, тўғри ва тенг сайлаш ҳуқуқи; сайлов олди ташвиқоти эркинлиги, сайлов кампаниясини ўтказишда номзодлар тенг ҳуқуқлилиги. 2) овоз бериш натижалари белгилангандан кейин сайлов органларида жойларни

тақсимлаш тизими. Икки асосий сайлов тизими маълум: мажоритар ва пропорционал, шунингдек, аралаш сайлов тизими маълум.

САЙЛОВ ҲУҚУҚИ — сайланадиган давлат идоралари шаклланишини тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар тизими. Сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилишнинг манбаларига конституция, давлат олий ва маҳаллий вакиллик идораларига сайловлар тўғрисидаги қонунлар киради; фуқароларнинг сайланадиган идоралар ташкил этилишида иштирок этиш ҳуқуқлари, яъни уларнинг таркибини сайлашлари (фаол сайлов ҳуқуқи) ва сайланишлари (пассив сайлов ҳуқуқи) маъносида ҳам “сайлов ҳуқуқлари” атамаси ҳам ишлатилади.

Сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиш — Конституция билан тартибга солинадиган ҳуқуқ, яъни Конституция кимга фаол ва пассив сайлов ҳуқуқлари берилишини белгилайди. Сайловлар жамият сиёсий тизимининг вакиллик идораларининг шаклланиши билан боғлиқ бўлган муҳим қисмидир. “Сайлов” атамаси қандайдир органнинг (давлат, жамоат, халқаро) овоз бериш йўли билан шакллантирилишини англатади. Шу боисдан сайлаш учун бир неча муқобил объект мавжуд бўлади ёки, ҳеч бўлмаганда, муқобил объектсиз сайловда сайлашдан воз кечиш имконияти кафолатланиши лозим.

Демократик сайловлар уч шароит бўлгандагина мумкин: биринчидан, муқобиллик, иккинчидан, сайлов кампаниясини ўтказишда эркинлик, учинчидан эса, сайловчилар хоҳиш ва иродаларининг эркин ифодаланиши.

Сайлов замонавий демократиянинг муҳим институтларидан биридир, халқ иродасининг ифодаланиши, сиёсий жараёнда иштирок этишининг асосий шаклларида бири, шу билан бирга, вакиллик органлари (парламент, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш идоралари) ташкил топиши ва бир неча олий мансабларни (масалан, президент) банд этиш усулидир.

Ўзбекистонда сайлов орқали давлат бошлиғи — ЎзР Президенти сайланади (Конституциянинг 90-м.си), ЎзР Олий Мажлиси (77-м.), Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари (99-м.), маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш идоралари (105-м.) шаклланади.

ЎзРда актив сайлов ҳуқуқига, жинсидан қатъи назар, 18 ёшга тўлган барча фуқаролар эга. Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилганлар, шунингдек, суд ҳукми бўйича озодликдан маҳрум қилинган жойларда сақланувчилар сайлов ҳуқуқидан фойдаланмайдилар. ЎзР Конституцияси

томонидан белгиланадиган ва республика давлат органларига сайловлар ва маҳаллий ҳокимият органларига сайловлар тўғрисидаги қонунлар пассив сайлов ҳуқуқини эгаллаш учун қўшимча шартлар мавжуд бўлишини талаб қилади.

Ўзбекистонда сайловларни ўтказишнинг конституциявий принциплари умумжаҳон демократик андозаларга тўла мос келади. Бу сайловлар умумий, яъни уларда мамлакат (вилоят, туман, шаҳар) барча аҳолиси иштирок этади, сайловчиларнинг имкон қадар кўп миқдори қатнашади. Сайловлар тенг сайлов ҳуқуқи асосида ўтказилади— ҳар бир сайловчи бир овозга эга ва ҳамма сайловчилар сайловларда тенг асосларда қатнашадилар. Бунда сайлов округлари аҳоли сонига кўра тенг бўлиш лозим. Сайловлар тўғридан-тўғри амалга оширилади, яъни сайловчи кўппартиявийлик асосида яширин овоз бериш йўли билан бевосита номзод учун овоз беради. Яширин овоз бериш сайловчининг ўз иродасини ифодалаши устидан ҳеч бир назорат йўқлигини назарда тутати.

Ўзбекистоннинг янги сайлов қонунчилиги принциплари Конституцияга асосланади ва унда дунё тажрибаси ҳамда миллий тажриба ҳисобга олинган. Улар қуйидагилардир: сайлов қонунчилигининг Конституцияга тўла мос келиши принципи; давлатчилик ва давлат ҳокимиятининг ҳуқуқ асосида ўзгартирилиши принципи; сайлов тизимининг барча вазифалари ва механизмлари қонунийлиги ва ҳуқуқий муҳофаза қилинганлиги принципи; сайлов тизими демократизми, фуқаролар, сиёсий партиялар тенг ҳуқуқлилиги принципи; сайлов тизими фуқаровийлиги, инсон ҳуқуқларини, барқарорликни, тараққиётни, қонунийликни, ҳуқуқий тартиботни таъминлашга қаратилганлиги принципи; сайлов тизими халқчиллиги, яъни ҳар бир фуқаро учун тушунарлилиги ва мумкинлиги принципи; сайлов тизими қонуний бошқарилиши, яъни, ташкиллаштирилганлиги, конституциявийлиги ва суд назорати остидалиги принципи; сайлов тизимининг камхаржлилиги принципи; овоз бериш ва сайлаш натижаларини тўлиқлигича олиш кафолатланганлиги принципи

САЙЛОВ ҲУҚУҚИДАН МАҲРУМ ҚИЛИШ — алоҳида мамлакатларда қонунчилик билан белгиланган конституциявий-ҳуқуқий жавобгарлик чорасининг тури. Сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиш — ҳам сайлаш, ҳам сайланиш ҳуқуқига татбиқ қилиниши мумкин. **Сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиш** — бу Конституция ёки сайлов қонунчилиги билан назарда тутилган махсус таъсир чорасидир. Мазкур чора сайловда қатнашиши

мумкин бўлган шахслар доирасини белгиловчи сайлов комиссияси ёки қўшимча жиноий жавобгарлик тариқасида суд томонидан қўлланилиши мумкин.

Сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиш икки хил асосда амалга оширилиши мумкин: ҳуқуқий ва ноҳуқуқий.

Ҳуқуқий асосларда **Сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиш** сайлов цензлари асосида – ёш, жинс, муомала лаёқати, фуқаролик ва бошқа мезонлар асосида амалга оширилади.

Ноҳуқуқий **Сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиш** ни «адолатсиз» деб ҳам аташ мумкин. Тарихдан маълумки, 30- йилларда бир қанча фуқаролар (қулоқлар, руҳонийлар, ёлланма ишчилар, ўз меҳнати билан пул топмайдиган шахслар – судхўрлар, корхона эгалари, колхозчилар ва бошқалар) синфий-сиёсий мотивлар асосида сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинганлар.

САЙЛАБ ҚЎЙИЛАДИГАН ОРГАН — аҳоли ёки бошқа орган томонидан сайлов йўли билан ташкил этиладиган давлат органи, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органи, жамоатчилик органи.

САЙЛАБ ҚЎЙИШ — давлат органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларини тузиш ҳамда таркибини белгилашнинг (ички ўзини ўзи ташкил этишнинг) аҳоли томонидан депутатларни ва аҳоли ёки вакиллик органлари томонидан тегишли мансабдор шахсларни сайлашдан иборат усулларида бири. Мас., Қонунчилик палатасининг депутатлари аҳоли томонидан, Қонунчилик палатаси Спикери ва унинг ўринбосарлари шу палата депутатлари томонидан сайланади.